

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.04.06.2020.
Ped.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК37:42:681.142.37

СОБИРОВА ГУЛНОЗА РАХМАТИЛЛАЕВНА

ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ АУДИТИВ ЛАЁҚАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМИЙ РЕСУРСЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(инглиз тилини ўқитиш мисолида)

13.00. 02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун бажарилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: п.ф.д., профессор Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна

ЖИЗЗАХ-2021

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I. БОБ	ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ АУДИТИВ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ	12
1.1- §.	Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида. .	12
1.2-§.	Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма («writing») нутқнинг амалиётдаги мавжуд ҳолати	22
1.3-§.	Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш бўйича хориж тажрибалари.. . Боб бўйича хулосалар.	53 61
II. БОБ	ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ АУДИТИВ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ	61
2. 1-§.	Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари.	61
2.2-§.	Талабаларнинг келгусидаги касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш механизмлари.	84
	Боб бўйича хулосалар.	94
III. БОБ	ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА–СИНОВ МЕТОДИКАСИ: МАЗМУНИ ВА САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ	97
§3. 1.	Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов мазмуни	97
§3. 2.	Тажриба-синов натижаларининг самарадорлиги ва математик-статистик таҳлили. Боб бўйича хулосалар.	114 123
	ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	126
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	129
	ИЛОВЛАР	143

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида таълим-тарбия жараёнини инновацион ташкил этиш, хориж тилларини ўрганиш ва тахсил олувчиларнинг лисоний коммуникативлиги бўйича компетентлигини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чет тилларни, айниқса, халқаро мулоқот воситаси ҳисобланган инглиз тилини ўрганиш масаласи, яъни, тилни ўқитиш мазмуни, ўрганувчиларнинг эҳтиёжларига мослиги ҳамда фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш масаласи кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш халқаро стандартлар даражасида юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар таълим амалиётида инглиз тили бўйича туркум ўқув курсларини ўқитишда инновацион методлар, интерактив дастурий воситалар, рефлексив технологиялар, фасилитацион моделлардан фойдаланиш усуллари ва уларнинг самарадорлигига оид қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларнинг асосий вазибалари қаторида талабаларни келгусидаги касбий фаолиятига тайёрлаш сифатини ошириш, лингвистик тил ўзлаштириш лаёқатини кенгайтириш, табиий-илмий дунёқарашини ривожлантиришга қаратилган педагогик ёндашувларни ўрганиш ва фан хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур методикани такомиллаштириш масаласи алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан олганда, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш ва жорий этиш эҳтиёжи мавжуд.

Республикамизда сўнгги йилларда инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш

методологиясини такомиллаштириш»¹ каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада бугунги кунда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, таълим олувчиларга хориж, хусусан инглиз тилини ўргатишда илғор хориж тажрибалари, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланилаётган замонавий усул ва моделларга асосланган (“очиклик индекси”, якуний натижалар бўйича аниқлаш, тўғридан-тўғри натижалар асосида самарадорликни баҳолаш) методикалари асосида ўқитиш муҳим ҳисобланади. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш, масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm>. Мурожаат санаси: 05.07.2019 й.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [3,4,5,6,7,8,9].

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш муаммолари педагог олимлар Р.Джураев, О.Мусурмонова, Ш.Шарипов, Д.Шарипова, К.Рискулова, Х.Маматкулов² ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. [49,65,90,91,67,62]

Методист олимлар Л.Ахмедова, Ж.Бўронов, М.Бушуй, Ж.Жалоловлар чет тилларга ўргатишнинг лингвометодик асосларини такомиллаштириш, [35,40,41] М.Абдуллаева, Г.Азизова, У.Жуманазаров³ тадқиқотларида хорижий тилларни ўрганишнинг амалий-технологик жиҳатлари ўрганилган.[27,29,54]

Инглиз тилини ўқитиш методикаси хорижлик олимлар С.Н.Алиев, Г.У.Ахмедова, Д.С.Белоног, Е.Бурдина, А.Р.Гайфутдинова, И.Зайцева, Е.В. Ермолаева, С.В. Федорова, Е.Шеваршинова ишларида илмий-назарий

² Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент, 2010. –87 б.; Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 97 б.; Шарипова Д.Д. Научно–педагогические основы гигиенического воспитания школьников: (На материале школ Узбекистана): Автореф. дисс. ... д-ра пед. наук. – Ташкент, 1990. – 44 с.; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Педаг. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т.: 2012. – 46 б.; Куронов М. Олий таълим муассаларида маънавий – маърифий ишларни ташкиллаштириш. – Т. 2011. – 88 б.; Рискулова К.Д. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Пед. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 44 б.; Маматкулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 47 б.

³ Буронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т. 1973. – 284 б.; Бушуй М. Язык и действительность. – Ташкент: Фан, 2005. –144 с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: 2012. – 427 б.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 200 с.; Абдуллаева М.А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета (на материале Present Continuous, Present Perfect английского глагола): Дисс ... канд. пед. наук. – Ташкент, 2004. – 189 с.; Жуманазаров У.У. Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш. Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Ташкент, 2019. – 57 б.

жиҳатдан тадқиқ этилган. Инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабалар фаоллигини оширишнинг бадиий аспекти Т.Гильманова, П.Бакланов⁴ тадқиқотларида кенг ёритилган.[30,34,38,39,46,57,50,88,92, 47,48]

Чет тилларини ўқитишнинг психологик, педагогик хусусиятлари масаласи психолог олимлар С..Л.Выготский, И.А.Зимняя, Л.С. Рубинштейн каби олимлар⁵ томонидан тадқиқ этилган.[45,58,68]

Инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича тадқиқотлар ва маълум ишланмаларнинг мавжудлигига қарамасдан, олий таълимда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш масаласи тадқиқот объекти сифатида таҳлилга тортилмаган, комплекс тарзда кўриб чиқилмаган ва илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.
Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №71-07 “Олий таълим муассасаларида маънавий-касбий

⁴ Гайфутдинова А.Р. Проектирование и реализация педагогических условий развития творческой активности студентов в вузе: (в процессе обучения иностранному языку): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Казань, 2010. – 25 с.; Ермолаева Е.В. Становление и развитие раннего школьного обучения иностранным языкам в отечественном образовании: Дисс. ... канд. пед. наук. – Ульяновск, 2010. – 162 с.; Белоног Д.С. Формирование познавательной самостоятельности у будущих учителей иностранного языка в лично-ориентированном обучении: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Воронеж, 2009. – 24 с.; Алиев С.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональной компетенции будущих учителей иностранных языков в педвузах Республики Таджикистан (на материале английского языка): дисс. ... д-ра пед. наук. – Душанбе, 2009. – 374 с.; Ахмедова Г.У. Педагогические условия формирования общечеловеческих нравственных ценностей средствами иностранного языка: на материалах вузов Республики Таджикистан: Дисс. ... канд. пед. наук. – Душанбе, 2009. – 172 с.; Федорова С.В. Формирование этических ценностей школьников средствами информационно-коммуникационных технологий в учреждении дополнительного образования: на материале английского языка: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Якутск, 2008. – 21 с.; Шеваршинова Е.И. Применение медиатекстов с целью взаимосвязанного обучения иностранному языку и межкультурному общению студентов языковых факультетов: – М., 2015. – 181 с.; Бурдина Е.А. Самосовершенствование преподавателя высшей школы в процессе изучения научно-педагогической деятельности известных ученых-естествоиспытателей: Автореф. дисс. ... канд. педаг. наук. – Москва, 2005. – 24 с.; Зайцева И.П. Современная драматургическая речь: структура, семантика, стилистика: автореф. Дисс. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2002. – 35 с.; Гильманова Т.М., Бакланов П.А. Художественный аспект в активизации деятельности студентов в процессе изучения иностранного языка // Вестник Челябинского государственного университета. 2012. – № 5. – С. 16–18.; Бакланов П.А. Оптимизация обучения иностранному языку с помощью игровой ситуации / <https://kpfu.ru/portal/docs/F247506420/Baklanov.pdf>

⁵ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2002. – 720 с.; Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика-Пресс, 1996. – 536 с.; Зимняя И.А. Педагогическая психология: учебник для вузов. 3-е издание, пересмотренное. – Москва: 2010. – 448 с.

баркамол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиялари” (2017-2020йй.) номли амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурсларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик моҳиятини, унинг турлари, шаклланиши ҳамда ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш ва илмий жихатдан асослаш;

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонларини аниқлаш;

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, педагогик шартларини тавсифловчи моделни такомиллаштириш;

аудитив лаёқатни ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришга мўлжалланган ўзбек миллий кадрятларига асосланган “Тинглаш ва тушуниш” мультимедиали аудио топшириқлари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: сифатида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Гулистон давлат университети, Навоий давлат педагогика институтларидан жами 1614 нафар талабалар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети: талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурсларидан фойдаланиш мазмуни, шакли, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик статистика

(маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш), “ Агрессия кўринишларини аниқлаш ” сўровномаси (Басс-Дарк) математик-статистик методлари(фоизли ва факторли таҳлил, Стъюдентнинг t-мезони, К. Пирсоннинг Гр корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) ёрдамида тадқиқотда қўлга киритган миқдорий кўрсаткичлар қайта ишланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар (стриминг, хостинг) воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик моҳияти, унинг турлари, шаклланиши ҳамда ривожланиш жараёни илмий жиҳатдан асосланилган;

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонлари аниқланган;

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (индивидуаллик, дифференциаллик), педагогик шартларини тавсифлаш асосида педагогик тизим ва унинг дидактик таъминоти моҳиятини очиб берувчи модель такомиллаштирилган;

аудитив лаёқатни ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришга мўлжалланган “Тинглаш ва тушуниш” мультимедиали аудио топшириқлари(ўзбек миллий қадриятларига таянилган ҳолда) ва «Замонавий ўқитувчининг инглиз тилидаги луғат захираси» номли методик тавсиялар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар дастури ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари амалиётига жорий қилинган;

«касбий аудитив лаёқат», «нутқ ўстириш методикаси» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан педагогик такомиллаштирилган;

касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш ўз ичига камраб олган «Касбий эслатма» ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертация ишида фойдаланилган илмий асосланган маълумотлар, тақдим қилинган методлар, тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастур, модель ва тавсиялардан қўлланмалар тайёрлаш, педагог кадрларни тайёрлаш жараёни мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш технологиялари бўйича ишлаб чиқилган аудиториядан ташқари машғулотлар дастуридан олий таълим муассасаларида, педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. талабаларда касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш асосида:

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (индивидуаллик, дифференциаллик)ни таълим жараёнида инобатга олиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Британия Кенгашининг №2018-615 INPRODEC- “Талабаларни иш билан таъминлашда инглиз тилини билиш

даражасининг аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган мақсадли вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 3 февралдаги 89/03/615 сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини “Аудитив нутқ” имитацион модели асосида ривожлантиришнинг педагогик ва методик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

«Ўқитувчининг касбий аудитив компетенцияси» номли методикасидан Самарқанд давлат чет тиллари институтида бажарилаётган №2018-519-ОТ-Атех “Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни Веб - илова дастурий таъминотини яратиш” номли фундаментал лойиҳанинг шакллантирувчи босқичидаги вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 3 февралдаги 89/03/615 сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (индивидуаллик, дифференциаллик), педагогик шартларини тавсифлаш асосида педагогик тизим ва унинг дидактик таъминоти моҳиятини очиқ берувчи «Ўқитувчининг касбий аудитив компетенцияси» номли модели ишлаб чиқилган;

талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги фикр мулоҳазалардан “Сирдарё” телерадиокомпаниясининг “Хайрли кун” дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 апрельдаги 01.04/ 480 сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувнинг бадиий савияси оширишга, томошабинлар аудоториясининг кенгайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5та республика миқёсидаги илмий журналларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика илмий журналларда ҳамда 2 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун тақдим этилган ушбу илмий-тадқиқот иши Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

I. БОБ ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ АУДИТИВ ЛАЁҚАТИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1- §. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида.

Ҳозирги дунё ҳамжамияти ва давлатлар ўртасида турли маданий, таълимий ва иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг кескин ўсиб бораётганлиги шароитида ҳамда глобализация тараққиёти, унинг дунё миқёсида кенг тарқалиши даврида Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишга давлат томонидан алоҳида аҳамият қаратилаётганлиги, хориж тилларини билган рақобатбардош кадрларга бўлган замонавий талабнинг кундан кун ортиб бораётганлиги, чет тилларни пухта билган рақобатбардош кадрлар ва мутахассисларга бўлган ижтимоий талабнинг кескин ўсиши, бироқ давлат аҳамиятига молик вазифаларни амалий жиҳатдан бажаришда ўқитувчи ва педагог олимлар томонидан янги инновацион технологиялар нуқтаи назаридан жаҳон тажрибасини ўрганиш, уни танқидий асосда миллий педагогик таълим тизимига татбиқ этиш усул, восита ва шакллари ўрганишга бўлган сайи-ҳаракатларнинг камёб эканлиги, бу соҳани тезкорлик билан талаб этилган даражада ҳар томонлама ривожлантириш заруратининг мавжудлиги сезилмоқда.

Инглиз тилини ўрганиш борасида мамлакатимизда бир қатор ҳукуматимиз томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг барчаси ёшларга тил ўрганишга катта имконият яратиб берди ва бўлажак мутахассисларнинг иқтидорини янада ёрқинроқ намоиш қилишга қаратилди.

Мамлакатимизда 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-17-85 Қарорининг амалга жадал киритилиши натижасида инглиз тилини ўрганишга катта эътибор қаратилди, чунки таълим-тарбия таъсирчанлиги тараққиётнинг

талабигина бўлиб қолмай, балки инглиз тилини мукамал ўрганиш, билим олиш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, ўзлаштириш даражасининг юксалиши билан ҳам белгиланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори мамлакат таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, хусусан олий таълим тизимини қайта қуриш, кадрлар тайёрлашнинг янги миллий моделини яратиш, педагогик жараёни демократлаштириш, уни эркинлаштириш ва модернизация қилиш, таълим жараёнини замонавий инновацион ғоялар билан бойитиш ва таълим мазмунини такомиллаштириш, таълим тизимига замонавий инновациялар ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича аниқ мақсадли ҳамда мамлакат истиқбол тараққиётига алоқадор бўлган кенг кўламли ишларни давом эттиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда 2017 йил 15 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам мамлакатда янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилди, унинг таркибида эса янги мазмун ва моҳиятдаги инновацион олий таълим тизимини шакллантириш бош йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бу таълим жараёни субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва таълим сифати бошқарувини такомиллаштиришнинг йўл-йўриқларини аниқлаш, компетенциявий ёндашувлар асосида мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш вазифаларини белгилайди. Демак, давлат мақсадлари асосида янги авлодни жамият учун шакллантириш учун ўқитувчи ўз фаолиятини янги услубда ташкил қилиши, инновацион педагогик жараёни бошқариши, педагогик шарт-шароитни яратиши лозим.

Жаҳон ҳамжамиятида таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгаришни амалга оширишда ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти, унинг роли ва аҳамияти ўта салмоқлидир. Ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилар экан, уни бошқаради, давлат аҳамиятига молик вазифаларни амалга оширади.

Оғзаки нутқнинг ажралмас қисми эшитиш ва тинглашдир.

Касбий аудитив нутқ эса пировард натижада ўқитувчининг инглиз тилидаги ўзгалар нутқини тушуниши, унга жавоб бера олиши, суҳбатдошининг фикрига асосланиб, маълум даражада фикр қўша олиши тушунилади. Шунингдек, касбий компетентлигини белгилаб берувчи меъёр бўлиб ҳисобланади. Суҳбатдош нутқини ёки полилогия шароитида нутқни семантик идрок этиш, чет тилидаги муҳитда коммуникатив вазифани амалга ошириш келажак мутахассисни касбий тайёрлашнинг ажралмас қисмидир.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар ва бардавом этаётган узлуксиз таълим тизимидаги ислохотлар таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, замонавий талабларга мос келадиган, демократик тамойилларга асосланган кредит-модуль тизими асосида таълимни ташкил этишни тақозо этди.

Замонавий таълимда on line тарзда ўқитишнинг кенгайганлиги турли соҳалардаги каби кўплаб халқаро алоқалар ўрнатилишига замин яратди. Бу эса, мутахассислар томонидан чет тилларни ўрганиш, алоқа алмашинуви жараёнида ҳамсуҳбатининг нутқини тушуниш, аудитив нутқни ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

2020 йилдан бошлаб республикамизнинг барча олий таълим муассасалари кредит-модуль тизими асосида ўқишни ташкил қилишар экан, ўқув кредитлари талабаларнинг касбий тайёргарлик мазмунига ўқув курсининг қўшаётган ҳиссасини ифодаловчи миқдорий тавсифга эга кўрсаткичлари билан баҳоланади. Демак, инглиз тили ўқитувчиларини келгусидаги педагогик фаолиятга тайёрлашда касбий аудитив нутқ муҳим аҳамият касб этади, чунки, талабалар ўқув дастурида кўрсатилган модулли

таълимда инглиз тили бўйича билим, кўникма, малакаларни муайян вақт ичида эгаллашлари ва компетенцияларини шакллантиришлари учун касбий фаолиятга алоқадор методлар, усуллар, таълим субъектларига таъсир ўтказиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим бўлади.

Академик кредит – олий таълимда таҳсил олиш жараёнида эгалланиши лозим бўлган рамзий ўлчаш бирлиги бўлиб, талаба ўқиши мобайнида жамлаган кредитлари унинг олий таълимнинг муайян поғонасини ўзлаштирганлигини билдиради. Демак, инглиз тили ўқув курси бўйича кредит-модуль тизими асосида ўқитиш модуль технологияларига асосланиб, ўқув материални ўзлаштиришнинг муайян юкмасини ифодалайди. Талабаларнинг инглиз тилидаги касбий аудитив нутқи бу жараёнда қуйидаги таркибий тузилма - ECTS икки зарурий элементдан ташкил топади: а) юктамаларни ўзлаштириш ва б) натижаларга эришиш. Мана шу элементларни бажарган талаба ўқув курси бўйича муайян кредитларни эгаллаши мумкин бўлади.

Кузатишларимиз кўрсатишича, олий таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишда, гапириш, ўқиш, ёзиш ва тинглашга озгина вақт ажратилади. Бироқ тинглаш талабалар учун мустақил, зарурий ва энг қийин нутқ фаолиятидир.

Бугунги кунда нутқ фаолиятининг шакли сифатида тинглаш ҳақиқий алоқа жараёнида муҳим роль ўйнайди. "Замонавий жамиятда одамлар 45% тинглашади, гапиришади - 30%, ўқишда - 16%, ёзишда - 9%",- деб таъкидлайди рус олими И.В. Чернецкая [92]. Бинобарин, оғзаки нутқнинг ажралмас қисми эшитиш ва тинглаш (аудитив фаолият)дир.

Нутқ - оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демак. Ижтимоий тажрибада бирон-бир моҳиятни англатадиган сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Нутқ инсоннинг онгида пайдо бўлган фикрнинг нутқ товушларига тил ёрдамида кўчиши экан, у *таъсирли* ёки *таъсирсиз*, грамматик жиҳатдан *тўғри* ёки *нотўғри* тузилган бўлиши мумкин.

Муносабат - инсонлар ўртасидаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган кўп қиррали жараён бўлиб, ахборот алмашинувини таъминлайди. Муносабат *нутқ, имо-ишора, жест, мимика, хатти-ҳаракат* ва х.к. лар асосида амалга оширилади.

Муносабатга киришувчилар бир - бирларини идрок эта олишлари тақоза этилади. Ягона муносабат жараёнида: *коммуникатив* (ахборот узатиш), *интерактив* (хамкорликдаги ҳаракат) ва *перцептив* (хамкорликда идрок этиш) жиҳатларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Киши биргаликда фаолият кўрсатаётганда заруриятга кўра бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан муомалага кириши, яъни алоқа ўрнатиши, ўзаро хамжиҳатлилиқка эришиши, керакли ахборот олиши ва жавоб тариқасида ахборот бериши лозим. Мулоқот мобайнида *тил* алоқа вазифасини бажаради.


“*Коммуникация*” - ижтимоий маънога эга бўлган тушунчадир. Коммуникация инсон тафаккурида пайдо бўлган тушунча, нутқ орқали ахборотни бошқа инсонларга етказиб беришдир. Ахборот ўзатаётган шахс-*коммуникатор*, ахборотларни қабул қилаётган киши *реципиент* деб аталади.

Аудитив нутқ- тинглаш ва уни тушуниш. Нутқ фаолиятининг ўта нозик ва қийин тури бўлиб, у қуйидаги психофизиологик механизмларга асосланади: нутқни тинглаш, идрок этиш, таниб олиш, тахминий башорат қилиш, ички талаффуз ва тушуниш, қисқа ва узок муддатли хотира. Аудитив нутқни шакллантириш ва ривожлантириш учун фонология, фонетика, психология тамойилларига таянилади. Ушбу малакани муваффақиятли шакллантириш ва такомиллаштириш учун ўқитувчи ушбу механизмларнинг элементлари ва хусусиятларини тўлиқ билиши керак.

Ўқитувчининг таҳсил олувчилар кўнглига йўл топиши унинг мулоқатга киришувчанлигига боғлиқ. Шахснинг коммуникатив қобилиятларини ҳосил қилувчи хусусиятлар орасида етакчи ва ёрдамчи вазифаларни ўтайдиганлари мавжуд. Биринчи навбатда перцептив, яъни идрок қилишга ҳамиша

таъллуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳими кузатувчанликдир) етакчи ўрин эгаллайди. Барча инсонлар коммуникация жараёнида иштирок этишади, аммо улардаги ҳаётий тажриба, билим, кўникма ва малакалар турлича бўлганлиги боис, уларнинг мулоқатга киришувчанлиги ҳам турлича бўлиши кузатилади. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти, унинг маҳоратли эканлигидан далолат беради.

Нутқ орқали ва сўзсиз тушуна олиш. Коммуникатив қобилият фикрни, ёки бирор тушунча, белгини англатувчи психологик жараён бўлиб, унинг намоён бўлиши уч хил тарзда намоён бўлади(1.1 -расм).



1.1-расм. Коммуникация турлари.

Касбий аудитив лаёқат – келгуси касбида зарур бўладиган тинглаб, тушуниш лаёқати. Бўлажак ўқитувчилар назарий билимларни эгаллаш билан бирга амалий малака ва кўникмаларни ҳам эгаллашлари зарур. Педагогик, психологик билимлар асосида талабаларнинг илмий билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришини таъминлаш, дарсни лойиҳалаштириш, тарбиявий ишларни режалаштириш, таҳсил олувчиларнинг индивидуал, жамоа, аудитория ва аудиториядан ташқари ишларини ташкил қила олиш, спорт билан шуғулланиш, саёҳат уюштириш ва уларга раҳбарлик қилиш, оналар, жамоатчилик ўртасида олиб бориладиган тадбирларга раҳбарлик

килиш, ва бошқа тарбиявий малака ҳамда кўникмаларни олиб боришларидан иборат бўлган лаёқат.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий аудитив лаёқатни шакллантириш ва ривожлантириш педагогик касбига тайёргарлик кўра бошлаган даврдан бошланади.

Таҳсил олувчилар томонидан инглиз тилидаги ўқув материални тушуниб ва ўзлаштириб олишлари учун ўқитувчи нутқининг такомиллашганлик даражаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Лаёқат- муайян фаолиятни маромида, меъёрида бажара олиш. Ўқитувчининг касбий аудитив лаёқати педагогнинг муҳим қобилиятлари жумласидандир. Инглиз тили ўқитувчиси таҳсил олувчиларга ўқув материални тўлақонли ва сифатли ўргата олиши учун касбий аудитив лаёқатга эга бўлиши шарт.

Бўлажак кадрларни тайёрлашда уларнинг аудитив лаёқатини ривожлантириш учун бир неча йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчидан, терминология ва характерли грамматик тузилмаларга бой бўлган, касбга йўналтирилган матнларни ўқишга эътибор қаратиш; Иккинчидан, маълум билим соҳасидаги тор ихтисослаштирилган матнларнинг таржимасига эътиборни кучайтириш; нутқ фаолиятининг барча турлари (ўқиш, тинглаш, гапириш ва ёзиш) профессионал йўналтирилган ёндашувларга таяниш.

Касбий аудитив фаолият янги маҳсулот яратишга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиб, улардан мақсад йиғилган билим, малака, кўникма, технология ва ишлаб чиқириш асбобларини мана шу янги маҳсулотни кенг миқёсда ишлаб чиқарилишига ишлатиш ва унинг самарадорлигини таъминлашдир.

Тадқиқот доирасида ўтказилган кузатувларимиз натижасида инглиз тили машғулотларида талабаларнинг келгуси фаолияти учун муҳим ҳисобланган аудитив лаёқатини ўстириш кўп ҳолларда уларнинг тинглаш ва эшитиш

жараёнлари билан боғлиқлигини кўрсатди. Бироқ, бугунги кунда педагогик амалиётда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда бир қатор зиддиятли муаммолар мавжудлиги аниқланди. Булар:

-инглиз тилини ўрганар экан, талабалар она тилидаги тил ўзлаштириш механизмлари билан таниш бўлганлиги боис уларни ўзга тилга кўчиришга ҳаракат қилишади. Натижада, тил ўзлаштиришдаги коммуникатив ва лингвистик тавсифдаги қийинчиликлар мавжуд бўлади. Шунингдек, ахборот ўзлаштиришдаги семантик қийинчиликлар вужудга келади;

-эшитилаётган ўзга тилдаги нутқни ўзлаштириш учун уни синтактик ва прагматик омиллар яхлитлигида нутқий воқеланишида морфологик воситалар – луғавий ва синтактик шакл ҳосил қилувчилар асосида қабул қилиш, мияда қайта тушуниш ва унинг маъносини англашдаги қийинчиликлар вужудга келиши боис, узоқ муддатли машқлар бажариш лозимлиги;

-аудитив ўқитишда турли дидактик топшириқлар ва машқларнинг тизимлаштирилмаганлиги;

-машғулотлик ва ўқув қўлланмаларда тил ўзлаштириш бўйича лексик ва грамматик тавсифдаги топшириқларнинг муайян компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилмаганлиги;

- ўзга тилдаги маълумотни қабул қилишда грамматик шаклларнинг маънолари лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги жараёнида тегишли луғавий бирликлар (мулоқот, нутқ, ёзма ва оғзаки нутқ)нинг муайян тизимлаштирилмаганлиги;

- лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши, сўз ва қўшимчаларнинг кўчма маъноларда қўлланиши;

- нутқий интенция, оғзаки ва ёзма нутқ ҳамда мулоқот жараёнида тартиб ва тартибсизлик ҳолатларининг лисоний ва нолисоний омиллар билан уйғун ҳолатда ўқитилмаслиги;

-талабанинг машғулоти давомида тинглаб, тушуниш лаёқатини ўстиришга эътиборнинг сустиги, мустиқил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши ва бошқалар.

Талабаларнинг келгуси фаолияти учун муҳим ҳисобланган аудитив лаёқатини ўстириш учун ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши; уларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустиқил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши; педагог ва талабаларнинг ҳамкорлигидаги фаолиятини доимий равишда ташкил этиш лозимлиги, машғулотларда ахборот-коммуникацион ресурслардан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Касбий аудитив фаолият турларини ривожлантиришда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг бош хусусиятлардан бири унинг инновацион характерда эканлиги билан белгиланади. Инновацион омил замонавий таълим тизимининг устувор вазифаларидандир. 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2012 йил 28 майда эълон қилинган “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорларда⁶ ҳам таълим тизими ходимлари, хусусан ўқитувчи-педагог кадрлар салоҳияти, уларнинг таълим тизимидаги инновацион ўзгаришларни амалга оширишга тайёр бўлиши зарурлиги масаласи таъкидланади. Шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (01.02.2012),

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 22-сон, 241-модда; 2013 й., 23-сон, 300-модда

“Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (20.01.2012) қарорлари ҳамда мазкур ҳужжатларни амалга ошириш бўйича таълим тизимида режалаштирилган ишлар ва тадбирлар мажмуи инновацион ғояларнинг нечоғли мамлакатимиз ҳаётига кенг кириб бораётганлигидан далолат беради.

2012 йилнинг 10 декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор,⁷ “Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 23 майдаги ПҚ-1971-сонли Қарор⁸, 2013 йил 8 майда Вазирлар Маҳкамасининг 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисидаги» 124-сон Қарори⁹, 2013 йил 27 майда 143-сон Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор¹⁰ларида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва уни дунё миқёсига олиб чиқишда чет тилларни эркин билган рақобатбардош кадрларга бўлган замонавий талаб ортиб бораётганлиги таъкидланади ва мана шундай кадрларни шакллантириш таълим тизимининг бош вазифаларидан бири эканлиги ҳақида сўз кетади. Мана шундай долзарб вазифани амалга оширувчи бош шахс – ўқитувчи бўлиб, унинг инновацион ғоя, қараш, тафаккур ва фикрларга очиқлиги таълим самарадорлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да жамият

⁷ «Халқ сўзи» газетаси, 11.12.2012 й., 240 (5660) -сон

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 279-модда

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 251-модда

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 283-модда, 34-сон, 453-модда

такомилининг янги истиқбол мақсади – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш сифатида белгилаб берилди. Шунингдек, ўта муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий йўналиш - ёшлар тарбиясида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар белгиланди. Бу мақсад – таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни қайта қуриш, дунё таълим тизимига интеграция қилиш, унинг мазмунини миллий истиқлол ғояси ва миллий манфаатлар асосида давом эттириш, демократлаштириш, янгилаш, модернизация қилиш ва либераллаштириш, шунингдек таълим жараёнини ахборот-коммуникация тизимлари билан қуроллантириш ва инновацион педагогик технологиялар билан бойитиш тушунчаларида ўз ифодасини топди.

А.Н.Шукина таърифича, лингвистик компетенция - тил тизими, нутқдаги тил бирликларининг ишлаш қоидалари ва ўзга тилларни тушуниш ва ўз фикрлари оғзаки ва ёзма шаклда баён қилиш учун ушбу тизимдан фойдаланиш қобилиятидир. . Эшитиш қобилиятига келсак, биз буни коммуникатив ниятимизни рўёбга чиқариб, чет тилидаги нутқни кулоқ билан англаш ва муваффақиятли тушуниш қобилияти деб тушунамиз.[96]

2018 йил 15-июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 916 – сонли Қарори¹¹ асосан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар ва ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун кенг шароитлар яратиш ҳамда янги замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва жорий этишга йўналтирилган эди.

Қарор асосида илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 280-модда; 2010 й.,1-2-сон, 2-модда; 2011 й., 36-сон, 366-модда; 2012 й., 8-9-сон, 78-модда

технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратилди, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустахкам алоқасини таъминлаш мақсадида, шунингдек, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун ҳуқуқий база яратилди. Мана шу қарордан сўнг мамлакатимизда “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар Республика ярмаркаси” ни ҳар йили ўтказиш анъанасига асос солинди.


Таъкидланган барча ҳужжатларда таълим тизими ходимлари, хусусан ўқитувчи-педагог кадрлар таълим тизимидаги инновацион ўзгаришларни амалга оширишга тайёр бўлиши зарурлиги масаласи алоҳида таъкидланади. Бинобарин, бугунги кунда замонавий илғор педагогик ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўламда жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ эта олиш энг долзарб вазифалар қаторида алоҳида таъкид этилмоқда.

Сўнгги йилларда чет тилларни ўқитишдаги инновацион жараёнларни таъминлашга йўналтирилган барча давлат ҳужжатларини сарҳисоб қилсак, уларнинг соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш, таълим мазмуни, унинг методлари, таълим шакл, восита ва йўллари ўзгартиришга қаратилганлигини яққол кўра оламиз .

Адабиётлар таҳлили кўрсатишича, талабаларни ўзга тилдаги нутқни ўзлаштиришлари учун, авваламбор, уларда оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантирилиши ва шу асосда уларнинг хориж тилидаги сўзлашув коммуникациясини ривожлантириш зарур .

Илмий манбалар, адабиётлар таҳлили ва инглиз тилидаги амалиётдаги ҳолат ўрганилганда, талабаларнинг аудитив нутқи, оғзаки нутқи, ўқиши ва ёзишлари учун муайян салмоқдаги топшириқлар машғулот даврида тақдим этилиши лозимлигини кўрсатди (1-расм).





1.2-расм.

Машғулотларда талабалар аудитив нутқини ривожлантиришга мўлжалланган нутқий грация

1.2-расмда тасвирланганидек, талабаларнинг аудитив нутқи уларнинг ўқиш, ёзиш, тинглаб эшитиш малакалари ва ахборот ресурс манбаларига таянишига боғлиқдир.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда нутқ фаолияти турлари *режалаштириш, ташиқил этиш, раҳбарлик ва назорат қилиш мониторингини олиб бориш* сингари бешта асосий босқичда амалга оширилади. Бу изчиллик ўқитувчилар томонидан тўлақонли амалга оширилса, касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқлар муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Режалаштириш- фаолият кўринишларидан бири бўлиб, режалаштириш нутқ ўзлаштириш стратегияларини аниқлаш, келгусида қандай тил

нормаларини эгаллашга эришиш кўзда тутилаётганлиги, бунинг учун қандай ҳаракатлар, қандай изчилликда ва қайси муддатларда бажарилиши кераклиги яъни, нима, қаерда ва қандай тартибда амалга оширилиши лозимлигини белгилаб беради. Фаолиятни режалаштириш келгусида амалга ошириладиган ишнинг мақсади, таркиби, тузилмаси ва бажариш муддатларини белгилаш демакдир.

Инглиз тилидаги касбий аудитив нутқни ўзлаштириш учун қандай методлардан фойдаланиш (функционал) вазифаларни белгилаш (таксимлаш)ни ҳал этиш жараёни ишни *ташқил қилиш* деб аталади.

Режалаштириш ва ташқил қилиш босқичларини тўғри бажариш туфайли касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш самарали кечади.

Амалиётдан шу нарса маълумки, ўқитувчиларнинг реал бажараётган ишлари уларга қўйилаётган талабларга ҳар доим ҳам мос келавермайди. Биргаликдаги иш самарали бўлиши учун :

-биринчидан, ижрочилар улардан қачон, қандай натижалар кутилаётганлигини яхши тушунишлари;

-иккинчидан, улар куталаётган натижага эришишдан манфаатдор бўлишлари;

-учинчидан, улар ўз ишларидан қониқиш ҳосил қилишлари;

-тўртинчидан, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит унумли ишлаш учун қулай бўлиши зарур. Демак,

Ўқитувчиларнинг унумли ишлашдан манфаатдорлиги, ундан қониқишини таъминлаш, жамоада қулай ижтимоий-психологик муҳитни сақлаб туриш учун бошқарув субъекти амалга оширадиган ҳатти-ҳаракатлар уйғунлиги *раҳбарлик қилиш* деб аталади.

Нутқ фаолияти турларини ривожлантиришда биргаликдаги фаолият яхши режалаштирилган ва уюштирилган бўлса ҳам бошқарувчи юз бераётган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириши, бунинг учун эса етарли ахборотга эга бўлиши лозим. Бундай ахборотни олиш ва ишнинг боришига

тузатиш киритиш зарурлигини аниқлаш учун *назорат қилиш* деб аталадиган махсус бошқарув ҳаракатини амалга ошириш зарур.

Режалаштириш, ташкил этиш, ўқитувчилик қилиш ва назорат қилиш мураккаб тузилма бўлиб, у вазиятни таҳлил этиш, прогнозлаш, мақсад кўйиш, самарадорликни баҳолаш, иш режасини бирон-бир вариантини танлаш ҳақида қарор қабул қилишни ҳам ўз ичига олади.

Мониторинг қилиш- тинглаб эшитиш асосида нутқ ўзлаштириш стратегияларининг самарадорлигини аниқлашга мўлжалланган кузатув бўлиб ҳисобланади.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун янгича қулай усулда, кам куч ва вақт сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш, ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламасдан фаолиятни ташкил этиш тушунилади. Педагогларнинг фаолиятини таълимни янги сифат босқичига олиб чиқишга йўналтириш кафолатидир. Чунки, замонавий педагог барча талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган мутахассис бўлиши зарур.

Тадқиқот доирасида бир қатор илмий манбалар ва диссертациялар таҳлил этилди. Жумладан, Эрназарова Манзура Сапарбоевнанинг «Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида» (10.00.01) мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида нутқнинг система сифатидаги фалсафий асослари очиб берилган; грамматик маънонинг лисоний моҳият сифатида лексик муҳимлиги далилланган.[97] Муаллиф ишда грамматик маънонинг нутқий воқеланишида прагматик омиллар (сўзловчи интенцияси, лисоний, когнитив ва мулоқот қобилияти, социал мавқеи)нинг ўрни ва роли ҳақида фикр билдириб, грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлигининг ўзига хос антропопрагматик жиҳатларини ёритиб берган. Олима лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг таъсири, тилнинг лисон ва нутқ яхлитлигидан иборатлиги, лисоний бирликлар табиати, уларни бирлаштирувчи системавий муносабатлар – лисоний

зиддиятлар, тилга прагматик ёндашув омиллари, нутқий система лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида юзага чиқиши каби фактик материаллар асосида грамматик маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омилларнинг ўзаро мувофиқлигини аниқлашга муваффақ бўлган.

Диссертацияда илмий натижалар асосида кўплаб луғавий бирликларнинг изоҳлари мукамаллаштирилган; лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг таъсири, тилнинг лисон ва нутқ яхлитлигидан иборатлиги, нутқни система сифатида тадқиқ қилиш борасидаги назарий хулосалари келтирилган.

Икромхонова Фируза Икромовнанинг “Инглиз тилидан коммуникатив-когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти (нолисоний олий ўқув юртлари мисолида)” тадқиқотида коммуникатив-когнитив корректив курс ўтиш методик технологияси ишлаб чиқилган, ўрта таълим тизимида ўрганилган ўқув материални янги вазиятда коррекция қилиш ва олий таълим дастури билан интеграцияга киритиш машқлари туркуми тавсия қилинган[64].

Рус тадқиқотчиси Чернецкая Ирина Васильеванинг “Педагогика институтларининг филология факультетлари юқори курс талабаларини инглиз тили грамматикасига мақсадли профессионал йўналтирилган тарзда ўргатиш» номли диссертациясида инглиз тили грамматикасини талабаларга мақсадли ўргатиш масалалари ёритилган.[92] Унинг фикрига кўра, инглиз тилининг кундан кун ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда тутган мавқеи ҳамда аҳамиятининг ўсиб бораётганлиги инглиз тилини ўргатувчи ўқитувчиларнинг янги мазмунда ўз касбларини эгаллашлари лозимлигини тақозо этади. Инглиз тили ўқитувчиларини шакллантиришнинг профессионал йўналтирилган мақсадли педагогик жараёни сифатида талаба шахсини унинг бўлғуси касб-корига йўналтириш, унда зарур бўлган илмий-амалий ва профессионал-педагогик қадриятларни шакллантириш, талабада зарур бўлган педагогик-

лингвистик билим, малака ва кўникмаларни вужудга келтириш зарурлиги хақида баҳс юритади.

Тажиева Алия Утебаевнанинг «Қорақалпоқ аудиторияси талабаларига инглиз тилидаги замонлар мослашувини ўқитиш методикаси» деб номланган тадқиқотида инглиз ва она тилларини ўзаро қиёслаш асосида қорақалпоқ аудиторияси талабаларига феъл замонларининг мослашувини ўргатишнинг самарали методикаси кўрсатиб берилган. Диссертацияда инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги замонлар шакллари, кўшма гапларнинг турлари ва феъл замонларининг мослашуви илк бор қиёсланган бўлиб, ўрганилаётган тил ва она тилларидаги тафовутлар натижасида қорақалпоқ талабалари нутқида келиб чиққан интерференциянинг сабаблари аниқланган. Шу билан бирга модуль технологиясини қўллаб инглиз тилидаги замонлар мослашувини ўқитиш методикаси ва машқлар системаси ишлаб чиқилган[88].

Азимова Насиба Эргашовнанинг «Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси» деб номланган тадқиқотида айнан ўқитувчи шахси ва омили масалаларини маънавий-ахлоқий нормалар нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Тадқиқотда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг маънавий-ахлоқий тарбиялаш назарияси, амалиётга жорий этишга оид услубий тавсиялар ўз ифодасини топган. Унда бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган ҳамда унинг мазмун-моҳияти функциялари ишлаб чиқилган. Диссертацияда бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда схематик тузилмаси келтирилган.[35]

Бегматова Нодира Хакимовнанинг мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий ҳамда методик асосларига оид тадқиқотида мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асосларини яратиш,

уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этган ҳолда самарали машғулотлар ўтказиш методикаси баён этилган. Тадқиқотда мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг педагогик ва психологик жиҳатлари асослаб берилган [40].

Аҳмедова Дилфуза Рафукжановнанинг «Форс тили сўз туркумларининг газета матнларидаги функционал ва услубий хусусиятлари» (10.00.05) мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида форс тили публицистик услубининг ахборот етказиш ва ходисаларга баҳо бериш, талабага таъсир кўрсатиш каби вазифаларини рўёбга чиқаришда сўз туркумларининг ўрни исботланган. [36] Шунингдек, газета матнларида қўлланган от, олмош ва сон сўз туркумлари эмоционал-экспрессивликни ифодаловчи асосий воситалар эканлиги асосланган; газета матнида информацион ва таъсир этиш функциясининг ўзаро муносабати натижасида экспрессия (коннотация, воқеа-ходиса тафсилотларига баҳо бериш) ва стандарт (аниқлик, қисқалик, долзарблик) уйғунлиги аниқланган. Олима газета матнларида қўлланган сўз туркумлари функционал-услубий имкониятларининг бир хил эмаслиги, турдош ва атоқли от, туб ва ясама сифат, феъл замонлари, нисбат ва майл категориялари каби лексик-грамматик шакллар воситасида далиллашга муваффақ бўлган.

Жуманазаров Умид Умирзаковичнинг 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослигида педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш” мавзусида бажарган диссертациясида чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлашда таълим мазмуни халқаро Умумевропа CEFR стандартлари асосида ташкил этилиши, маданиятлараро интеграциялашув жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий лингвистик билим, малака ва кўникмаларини шакллантирилиши каби масалалар ёритилган. [59] Диссертацияда бўлажак инглиз тили ўқитувчисида фразеологик компетенцияни ривожлантиришнинг педагогик

жихатлари, таълимни ахборотлаштириш шароитида фразеологик компетенциянинг ўрни, тил таълимида фразеологик машқларнинг ўзига хослиги, коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда тил (фразеологик) таълимнинг роли каби қатор илмий-методик масалалар ўз ифодасини топган бўлиб, таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг фразеологик компетенциясини ривожлантириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитлар акс эттирилган.

Ишда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фразеологик компетенцияни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги эътироф этилган. Шу билан бирга унда фразеология назариясига оид илмий манбалар таҳлили келтирилган. Олим тил таълимида машқларнинг методик тавсифи ва фразеологик машқларнинг ўзига хослигини ишда батафсил ёритиб беришга мушарраф бўлган. Ишда инглиз тили фразеологизмлари ва уларнинг семантик гуруҳланишининг педагогик асослари ҳақида фикр баён этилган.

Азизова Гулноза Ганижановнанинг 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослигида педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш(инглиз тили материаллари мисолида) мавзусида бажарган диссертациясида инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришда ахборот-коммуникацион, муаллифлик методикаси ва инглиз тилини жадал ўргатиш, этнопедагогик ва ижтимоий-маданий компетентлиликни ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.[32] Шунингдек, ишда инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришда унинг мутахассислик компетенциясига доир талаб, мажбурият, маҳорат ва индивидуал таълим тректорияси кабилар бўйича мезонлар ишлаб чиқилган. Олима инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш шакл, восита ва усуллари қўллашда янгича ёндашув асосидаги интеграцион

таълим стратегиясини таклиф этиб, унинг самарадорлик даражасини белгилаган.

Одилова Гулноза Комилжоновнанинг «Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърияти таржималарида адекватлик муаммолари» мавзуидаги диссертациясида инглиз ва ўзбек мумтоз шеърияти таржималарида адекватлик масалалари комплекс тадқиқ қилинган.[71]. Шу жумладан Алишер Навоий ғазалиётини инглиз тилига таржима қилиш услубияти тадқиқ этилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда ўзбек ва инглиз мумтоз адабиёти намуналари ўзаро муқояа қилинган бўлиб, уларни таржима қилишда эквивалентлик ва адекватлик тамойилларининг сақланиш даражалари ўрганилган ва адекватликка эришиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Мана шунга ўхшаш тадқиқотлар инглиз ва ўзбек тиллари муқояаси орқали таълим жараёни мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Сайдазимова Умида Турахановнанинг «XVII–XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари» (10.00.05) мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида XVII–XVIII асрлар корейс адабиётига таъсир кўрсатган конфуцийчилик, даосизм, буддизм каби диний қараш ва таълимотларга асосланиб корейс насрида миллий ғояни ифодаланиши исботланган. [76] Корейс насрида миллий менталлик феномени бўлган: ҳурмат категорияси хё (ᄒᆞ), итоаткорлик, кўнгли очиқлик, некбинлик сифатларини кўрсатувчи хан (ᄒᆞᆫ), яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва садоқат, юксаклик ва тубанлик каби маънавий-эстетик категориялар, озодлик концепти, идеал ҳаёт ва идеал қаҳрамонлар ҳақидаги тасаввурларнинг моҳияти асосланган; сосол (소설) насрий асарлар туркумига кирувчи асарларнинг пхэсол (패설) кичик насрий асарлар асосида юзага келганлиги аниқланган, Пак Чи Вон асарларида сирхак ҳаракатининг ватанпарварлик ғоялари, маънавий қадриятлар, олижаноблик, инсонийлик фазилатлари устунлик қилиши далилланган; Ким

Манжуннинг «Са хонимнинг жануб бўйлаб саргардонликлари» ва «Тўққиз кишининг булутли туши» романларида корейс халқига хос дунёқарашнинг икки тенденцияси – одиллик ва шахснинг ички уйғунлиги намоён бўлиши ҳамда давлат аҳамиятига молик муаммолар шахсий муаммолардан устунлиги асосланган; XVII–XVIII асрлар корейс насри поэтикаси ва унга хос «шартли гўзаллик» ўрнига моддийлашган табиат тасвири, образларни тавсифлаш ва тасвирлашда табиат манзараларидан кенг фойдаланиш, инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш, қаҳрамонлар тасавурида оламнинг маконларга бўлиниши каби адабий анъаналар янгиланган бадиий воситалар орқали акс эттирилиши исботланган.

Адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлилидан аён бўладики, мамлакатимизда ўз касбини чуқур биладиган, ҳар томонлама кадрларни, хусусан, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш масалалари айнан мустақиллик йилларида демократик ва ҳуқуқий кадриятлар тизимида илк бор талқин қилинганлигини кўриш мумкин. Улар амалиётга жорий этиш учун асос қилиб олинди. Таълим жараёни ҳам унинг ҳар бир босқичида мана шу янгиланган моҳиятни, инновацион мазмунни ёшлар тафаккурига сингдириши ва уларни рақобатбардош қилиб жамиятга етиштириб бериши тақозо қилинди. Касбий фаолиятнинг турли жиҳатлари тўғрисида адабиётларда етарлича тўлиқ маълумотлар берилган бўлсада, лекин инглиз тили ўқитувчисининг касбий аудитив нутқини ривожлантириш амалий жиҳатдан технологик ишлаб чиқилганлигини кам учратдик. Тадқиқот доирасида амалиётдаги ҳолат кузатилганда, мазкур жараённи мақсадли ва стандартлаштирилган жараёнга айлантириш зарур.

Илмий нашрлар, адабиётлар, тадқиқотларда келтирилган ғояларни таҳлил қилиб, етук мутахассисларни тайёрлашнинг турли механизмлари ва тизимлари ишлаб чиқилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий, мафкуравий, педагогик илмий тадқиқотларни умумлаштириш, уларни яхлит концепция ҳолатига олиб келиш, педагогик инновациянинг илмий-амалий мазмунини шакллантириш,

унинг таркибий қисмлари ва йўналишларини белгилаш, педагогик инновациянинг тарихий ва назарий асосларини ишлаб чиқиш каби масалаларни ўрганиш зарурий бўлиб, бу борада замонавий кадрларнинг ўз мутахассислиги доирасида бир ва ёки бир неча чет тилларини билиши лозимлиги муқаррардир.

Мамлакатимизда инглиз тилини ўқитишда туб ўзгаришларни амалга ошириш ўзининг турли қирралари, ижтимоий шарт-шароитлари мавжудлиги намоён этади. Улар:

ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар: мамлакатимиздаги мавжуд таълим тизимининг барча босқичларида, хусусан таълим бошқарувчиларидан тортиб, ўқитувчиларга қадар тил ўқитиш бўйича хорижий эл тажрибаси ва методик инновацияни татбиқ этишга тайёрлик, унга камарбасталикнинг мавжудлиги, мамлакатдаги барча ҳудудларнинг ўзига хос иқтисодий, маънавий ва педагогик салоҳиятининг етарли эканлиги, мазкур жойларда тил ўқитиш анъаналарининг шаклланган эканлиги ва уни қайта ривожлантиришга педагогик жамоаларнинг тайёрлиги, чет тилларини инновацион ўқитишга моддий-иқтисодий ва ахборот-коммуникацион базанинг яратилганлиги;

психологик-педагогик шарт-шароитлар: таълим тизимининг барча босқичларида ўқитувчилар ва раҳбарият томонидан чет тилларини ўқитишга доир истиқбол стратегия мақсадлари ва вазифаларининг тўла англланганлиги ва қабул қилинганлиги, инглиз тили бўйича назарий ва амалий билимларнинг ўқитувчилар томонидан тўла эгалланганлиги, педагогик жамоада ўз устида мунтазам ишлаш ва малакасини ошириб боришга иштиёқнинг мавжудлиги, уларда ўз педагогик фаолиятидан қониқиш хиссининг мавжуд эканлиги, янги, интеллектуал баркамол авлодни шакллантириш фаолиятига педагогик жамоанинг психологик-педагогик жиҳатдан тайёрлиги;

ўқув-методик шарт-шароитлар: давлат ҳужжатлари талаблари асосида ёзилган ва нашр қилинган машғулотликлар, ўқув методик қўлланмалар, электрон машғулотликлар, турли воситалар, ахборот-коммуникацияси

асбоблари, лингафон кабинетлар ва лабораториялар, ўқув хоналари ва жиҳозларининг, таълим даргоҳида талаб даражасидаги таълим инфраструктурасининг, чет тили доирасида фанлараро интеграциясининг, шунингдек инновацион жараёнга ҳар томонлама тайёр бўлган методик жиҳатдан қуролланган педагогик жамоанинг мавжудлиги;

ташкилӣ-педагогик шарт-шароитлар: мунтазам равишда педагогик жараёнга инновацион ўзгартиришларни қилишга педагогик жамоа, хусусан унинг раҳбариятининг ҳозирлиги, педагогик малака оширишнинг йўлга қўйилганлиги, педагогик жамоа раҳбарининг инновацион ғояларни қабул қилиши ва уларга йўл очиб бериши, талаб қилинган жиҳозлар билан таъминлаш учун сайи-ҳаракатларнинг мавжудлиги в.х.

Бинобарин, чет тилларни инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитилиши бўйича талаб этилган даража билан мавжуд аҳвол солиштирилса, баъзи ўзига хос ҳолатларнинг амал қилаётганлиги ўзини аниқ намоён этади.

Табиий равишда мана шундай туб ўзгаришларни амалга ошириш чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўқитишдаги барча йўналишларда ҳам ўзгаришлар қилиш лозимлиги кун тартибига қўяди.

Шундай қилиб, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида ўрганилар экан, олий таълим тизимини ривожлантиришда жаҳон мамлакатларининг илғор ғоялари, тарбиявий, таълимий назариялари, мутахассислар тайёрлашнинг бой амалиёти, ҳозирги замон техникаси ва технологиясидан фойдаланиш ҳамда миллий, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиб, уларни маҳаллий шароитларга мослаштириш, шу негизда янгисини ишлаб чиқиш ва кенг қўламда қўллаш бош омил сифатида қаралади.

1.2-§. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма (“writing”) нутқнинг амалиётдаги мавжуд ҳолати

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма (“writing”) нутқнинг амалиётдаги мавжуд ҳолати ўрганилганда қуйидагилар аён бўлди:

ОТМлардаги инглиз тили ўқув курсини тугаллаган бакалавр чет тилида сўзлашиши, саволларга жавоб айта олиши, савол сўрай олиши, суҳбатлашиши, баҳслаша олиши, ўз фикрини очиқ баён қила олиши каби кўникмаларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, инглиз тилида маслаҳат қила олиши, ариза тўлдиролари олиши, хат ёза олиши, ёзма малакаларга эга бўлиши кўзда тутилган. Бироқ, ҳар доим ҳам талабалар томонидан расмий маълумотларни хужжатлаштириш, банк ва молия хужжатларини ёзма тартибда шакллантириш, баённомаларни ёзма тартибда шакллантириш олиши каби ўнлаб соҳа ва йўналишларни ўз мазмунига қамраб олган лаёқатни намоён қилишда қийинчиликларга учраши кузатилмоқда;

мазкур жараёнда педагогнинг вазифаси аввало мана шу кўрсаткичлар бўйича талабада маълум ва талаб этилган билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, ва кейинчалик улар амалиёти бўйича талаба олдида аниқ вазифа қўя олиш, мазкур вазифаларни бажариш учун тегишли педагогик шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат бўлсада, ҳанузгача талабалар томонидан инглиз тилидаги маълумотларни тизимлаштириш, уларни таҳлил қила олиш, уларни хулосалаш ва ўз хулосаларини чет тилида ифода қила олишларида мураккабликлар вужудга келмоқда. Буларнинг асосий сабаби талабаларда касбий аудитив нутқнинг ривожланмаганлиги, деб баҳолаш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, тадқиқотимизда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда уларнинг инглиз тилидаги коммуникатив фаолиятини фаоллаштиришга эътибор қаратдик. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма («reading») нутқнинг амалиётдаги мавжуд ҳолати ўрганилди, таълим субъектининг бош иштирокчиси-педагоглар талаба фаолиятини қуйидаги жиҳатларга қаратиши лозимлиги аён бўлди:

- Инглиз тилидаги муаммонинг реал жиҳатларини идрок қилишга йўналтириш;

- ақлий изланишларни жадаллаштириш;

- алоҳида ҳолатларни психологик шарҳлаш;

- ўхшаш ва фарқли томонларини топиш учун объектларни ўзаро қиёслаш;

- объектлардаги умумий жиҳатларини тавсифлаш;

- фарқларни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив омилларни шарҳлаш;

- матндаги масалалар ва материалларнинг ўзига хослигига биноан уларни таснифлаш;

- назарий ва амалий билимлар, кўникмалар ва малакаларни ижтимоий турмушнинг барча инфраструктураларида оқилона қўллаш.

Биз ўз тадқиқотимизда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун қайси методлар, шакллар, воситалар ва йўлларни танлаш керак, деган муҳим саволга жавоб қидиришдан бошладик. Педагогик жараёндаги икки бош иштирокчидан айнан ўқитувчи фаолиятини назарга оламиз. Агар, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини (colloquial speech) ва ёзма (“writing”) орқали ривожлантиришда ўқитишнинг умумий педагогик методлари тўғрисида фикр билдирсак бўлади:

1. Инглиз тилидаги ўқув материални оғзаки баён қилиш методлари

2. Инглиз тилидаги ўқув материални кўргазмалар орқали баён қилиш методлари

3. Инглиз тилидаги ўқув материални амалий машғулотлар орқали бериш методлари.

Хориж тилларини ўқитиш технологиялари мунтазам ривожланиш, такомиллашиш жараёнидадир. Замонавий ахборот-коммуникация тизимларининг ривожланиши педагогик таълим ва унинг шакллари, усуллари масаласига ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ахборот-коммуникациясининг тараққиёти таълим тизимида ҳам ўзининг

янги стандартларининг ўрнатилишини тақозо этади. Таълим бериш ва ўқитиш жараёнлари энг тез ўз шакл, восита ва усулларини ўзгартираётган ва тез ривожланиб бораётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Шунга кўра ҳам чет тилларни ўқитишда янги технологиялар тақозо этилмоқда.

Тадқиқот мобайнида танлаб олинган олти ОТМларда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда турли методларни қўллаш масаласи ҳам ўрганилди. Бунда улар:

Анъанавий метод

Интерфаол методлар

Лингофон кабинетлардан фойдаланиш

Ахборот-коммуникацияси асосидаги ишланган методлар

Компьютерлаштирилган методлар

Дастурлаштирилган методлар

Илғор педагогларнинг муаллифлик методлари

ОТМ ишлаётган чет тили ўқитувчилари томонидан ишлаб, жорий этилган шахсий муаллифлик методларидан фойдаланишлари намоён бўлди.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, педагогларнинг 67 фоизи ханузгача фаолиятида анъанавий методлардан фойдаланаётганинг гувоҳи бўлдик.

(1.3 - расм)

чет тилларини ўқитиш бўйича қўлланилаётган методлар



1.3-расм

Расмдан кўришиб турибдики, инглиз тилини ўқитишда анъанавий метод билан лингфон кабинетлар имкониятларидан фойдаланиш энг катта ҳажмни ташкил қилади. Бироқ, инглиз тилини ўқитишда ахборот технологиялари асосидаги, компьютерлаштирилган, дастурлаштирилган методлардан фойдаланиш салмоғи кам даражада. Чет тилларни ўқитиш бўйича хорижий тилларни ўқитишнинг тезкор ва самарали бўлган муаллифлик методлари камёб ишланган. Аммо бу мамлакатимизда фаолият юритаётган чет тиллари ўқитувчиларининг маҳорати, ёки салоҳияти пастлигидан дарак бермайди. Блади бошқа нарсани англатади. Бу объектив ҳолат, аввало, чет тиллари ўқитувчиларининг инновацион методларни яратишларида улар учун зарур шарт-шароитлар етишмаслиги, уларнинг кашфиётчилик фаолияти ахборотли, рақамли, мультимедиали устқурмалар билан ишлаш кўникмаларининг етишмаслигини англатади.

Тадқиқот доирасида амалий ҳолатни ўрганишда қуйидаги асосий таълим хусусиятлари ва йўналишлари бўйича маълумотлар банки яратилди ва улар умумлаштириб, хулосаланди. Уларда чет тиллари бўйича ўқув режаси, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда жорий этилган мутахассислик доирасидаги ўқув предметларида инновацион педагогика ва инновацион

интерфаол методлар тушунчаларининг акс эттирилганлиги масаласига, ОТМда олиб бориладиган илмий-тадқиқот фаолиятида инновацион педагогика муаммоларининг акс эттирилганлиги, ОТМ нинг барча ўқув, тарбиявий, маънавий-маърифий фаолиятида инновацион педагогика муаммолари ва унинг хусусиятларининг намоён бўлиши масалаларига алоҳида аҳамият берилди. Бу ўринда чет тиллари ўқитувчилари рақамли технологиялар мухассислари билан бирлашиб, касбий аудитив нутқини ривожлантиришга мўлжалланган инновацион ҳамкорлик қилишига замин яратилди.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг касбий фаолияти мураккаблиги ва кўп қирралилиги иш жараёнида турли педагогик изланишларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Талабаларни ҳар томонлама мукамал ривожланиши учун инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланишни ва натижасини таъминлашни давр талаб этмоқда. Бу жараён ўқитувчидан катта маҳорат ва чуқур билимни талаб этади. Дарҳақиқат, замонавий ахборот технологиялари жамиятимиз ва таълим жараёнининг ривожланишига, шунингдек, инглиз тилини чуқур ўрганишга таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланмоқда.

Инглиз тили ўқитувчилари ҳар бир машғулотда ранг-баранг педагогик инновациялар ва ахборот технологияларини қўллай олиши ва машғулотни ташкил эта билиши давр талабидир. Инглиз тили машғулотларини ташкил қилишда барча тоифадаги мультимедиа электрон дастурларидан фойдалана олиш ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг мустақил билим олишлари учун катта имкониятлар яратувчи асос саналади.

Республикамизда сўнгги йилларда инглиз тили бўйича ўқув яқунларига доир умумэътироф этилган тестлар топшириш фаолияти ва тизимини ташкил қилиш долзарб вазифа сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинди. Халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш

даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурлиги белгиланди. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат берилди. Узоқ ҳудудлардаги ёшларни чет тиллар ўқитувчилигига давлат ҳисобидан мақсадли тайёрлаш имкониятининг яратилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу эса кўплаб қишлоқ жойларидаги ёшларни чет тили ўқитувчилиги мутахассислигига қизиқишини орттирди ва чет тиллари ўқитувчиларига бўлган ижтимоий талабни кондириш имкониятини таъминлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази зиммасига Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек, ҳомийлар ва хайриячилар маблағлари асосида 2013 — 2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ишлари жадаллаштирилди.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма (“writing”) нутқнинг товушлар қатлами ва лексик қатламини билиш ва қабул қилишни енгиллаштирувчи методлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма (“writing”) қуйидаги педагогик технологиялардан фойдаланилганда самарали натижалар бериши аён бўлди:

- ✓ Жамоавий таълим турлари;
- ✓ Шахсий йўналтирилган таълим турлари;
- ✓ Белгили-контекст таълим турлари;
- ✓ Ўйин технологиялари;

- ✓ Муаммоли таълим ва унинг турлари;
- ✓ Ахборот технологиялари ёрдамида ўқитиш;
- ✓ Дастурлаштирилган таълим;
- ✓ Ривожлантирувчи таълим;
- ✓ Дистанцион таълим;
- ✓ Конструктив таълим;
- ✓ Таълимнинг предметлаштирилган технологиялари;
- ✓ Тил ўрганишда ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш (интернет);
- ✓ CD-Rom курслари, видеофильмлар ва кинофильмлардан фойдаланиш;
- ✓ Powerpoint тизимлари;
- ✓ Мультимедия тизимларидан фойдаланиш;
- ✓ Лингофон кабинетлардан фойдаланиш;
- ✓ Интерфаол методлар (гуруҳларда ишлаш, SWOT анализ, аклий хужум, аквариум, зинама-зина, идрок ҳаритаси, кластер, талаба ўқитувчи ролида, ролли ўйинлар, кейс-стади, АРИЗ, бумеранг, суҳбат, дискуссия, лидерлик мактаблари, ораторлик турнирлари, OPEN space, видео конференция, E-learning, мобиль таълим в.б.)

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма (“writing”) нинг мазмунини кўриб чиқадиган бўлсак, куйидаги инновацион тенденциялар мавжудлиги ойдинлашади:

Кўп томонлама методларнинг қўлланилиши. Кўптомонлама методлар мажмуи инглиз тиллини ўрганишга нисбатан ўтган асрнинг 20-йилларидан бери қўлланилади. Унинг негизида “Кливленд режаси” асос бўлиб хизмат қилади. Унинг бош тамойиллари куйидагилардан иборатдир:

1. Инглиз тили оддий механик ёдлаш орқали ўзлаштирилмайди. Чунки чет тилини билиш аслида ҳар бир индивиднинг шахсий-интеллектуал хусусиятлари билан узвий ва чамбарчас боғланган ҳолда кечади. Шу боис,

оддий сўзлар қайтарилиши ва уларни ёдлаш мажбуриятидан холи бўлган тил муҳитини шакллантириш тақозо этилади.

2. Тил бу – миллий-этник маданиятнинг бир бўлаги, унинг таркибий қисми сифатида баҳоланувчи қадрият саналади. Шу боис, тилни ўрганиш жараёни аслида бошқа миллий-этник маданиятни ўрганиш, уни англаш ва қабул қилиш саналади. Шунинг учун чет тилини асл миллий маданий тушунчалар асосида шакллантириш даркор.

3. Ҳар бир машғулот чет тилини ўрганиш жараёнида фақат бир фокус, яъни марказ асосида қурилиши даркор. Талаба диққатини ҳар бир машғулотда мазкур бир марказ негизига қурилган материал асосида ўрганиши лозим.

4. Инглиз тили босқичма-босқич ўрганилиши лозим. Ҳар бир кейинги давр аввал ўтилган машғулот негизига қурилмоғи, шунингдек аввал ўтилган тил материалининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоғи керак.

5. Инглиз тилига ўқитиш жаарёнида тил ўрганишнинг ҳар бир тури, яъни ўқиш, ёзиш, талаффуз қилиш, эшитиш ўзаро бир меъёр ва ҳажмда берилишини таъминлаш даркор.

Одатда кўриб чиқилган кўптомонлама методлар талабада ўрганилаётган тил ва мамлакат маданияти бўйича чуқур ва ҳар томонлама маълумот бериш асосига қурилади. Бироқ мазкур методнинг ўзига хос чегараловчи хусусияти шундан иборатки, унда асосли билимлар шакллантирилса ҳам, талабанинг тил эркинлиги мазкур метод тўла таъминлаб бера олмайди.

Фаол ва интерфаол ўқитиш методлари. Фаол метод талабанинг чет тили билан боғлиқ бўлган турли муаммоли вазиятларга тушиб қолиши ва улардан чиқиб кетиш малакалари негизига қурилади. Мазкур метод талабанинг мустақил ўзини шакллантириши даркорлиги асосига қурилади. Яъни талаба ўз билимларини чет тили бўйича шакллантирувчи шахсга айлантирилади. Фаол метод ҳозирга кунда чет тилларини ўқитишда кенг қўлланилади. Чунки ҳар қандай билим олиш жараёни талабанинг тафаккурида кечадиган фикр қилиш қобилияти билан узвий алоқадорликда

кечади. Бу эса педагогдан турли инновацион технологияларнинг кўлланишини тақозо этади. Улардан: когнитив, позитив, эмоционал, мотивациялашган, оптимистик, технологик методлар мажмуидан иборатдир. Уларнинг бари талаба шахсини ҳар томонлама кенг тил нуқтаи назаридан ривожлантиришга йўналтирилади.

Чет тилларини ўқитишда ахборот-коммуникацияси ва интернет-ресурсларидан унумли фойдаланиш. Чет тилларини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникацияси имкониятларидан тўла фойдаланиш жараёни бошланганига анча бўлди. Ахборот-коммуникацияси имкониятлари жуда кенг ривожланиб бораётган бўлиб, уларнинг ўқув жараёнига кириб келиши жуда фаол ва тезкорлик касб этмоқда. Уларнинг ичида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Инглиз тилини ўқитишда мультимедиядан унумли фойдаланиш;
- Инглиз тилини ўқитишда интерактив доска имкониятларини ишга тушириш;
- Инглиз тилини ўргатишда электрон ресурсларни ишга тушириш ва улардан унумли фойдаланиш;
- Инглиз тилидаги лингофон материаллар имкониятларидан унумли фойдаланиш;
- Интернет орқали инглиз тилида сўзлашувчилар билан бевосита мулоқотни ташкил қилиш;
- Интернет орқали турли халқаро интернет-конференцияларда иштирок этиш;
- Турли мустақил ишланган материаллар, шу жумладан слайд-шоуларни интернет тизимига узатиш.

Метод категориясига нисбатан назарий-педагогик манбаларда турли фикрлар билдирилади. Улардан бири бу – ўқитувчи ва талабанинг аниқ бир таълим мақсадини амалга оширишда ҳамкорликдаги фаолиятдир, дейилади. Шунга кўра, чет тилларни ўқитишда таълим мақсади – биринчидан, талабанинг хорижий тилдаги коммуникатив лаёқатини шакллантириш ва

Ўстириш учун *ўқитувчи* нима қилиши керак деган савол мазмуни билан белгиланса, иккинчи томондан, мазкур мақсаднинг амалга оширилиши учун *талаба* нима амалларни амалга ошириши керак деган саволда мужассам бўлади. Бинобарин, мана шу саволларга жавоб ўқув жараёнини қандай олиб борилса ва ташкил қилинса, педагогик мақсад самарали бўлади деган натижада намоён бўлади.

Талабалар ўқув фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унда бир қатор камчиликлар, нуқсонлар, заифликлар мавжуд эканлиги намоён бўлади. Жумладан, талабаларда фикрлаш мустақиллиги етишмаслиги, талаба фикрлаш қобилиятининг заифлиги, фикрлаш услубининг шаклланмаганлиги ва бошқалар. Бунинг бош сабаби олий таълим тизимида мустақил фикрлашни таъминлаш омилларининг психологик нуқтаи назардан етарлича ўрганилмаганлигидир. Шунингдек, талабалар ўқув фаолиятидаги муҳим нуқсонлардан бири-бу фикр юритишдаги мантиқсизликни давом этаётганлигидир, мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш тўғри йўлга қўйилмаганлигидир.

Китоб билан ишлаш жараёнида талабада тилни чуқур, тафаккур даражасида англаш жараёни вужудга келтирилади. Чет тилини чуқур лингвистик тафаккур даражасида англашда ҳам визуал, яъни кўриш органлари орқали, ҳам интеллектуал, яъни онг ва мия органи орқали, ҳам интерпретация, яъни чет тилини овоз чиқарувчи органлар орқали қайта ифода қилиш, тилни қайта шаклантириш жараёни, ҳам кўл орқали тил материали билан танишиш, масалан ёзма ишларни бажаришда, вужудга келади. Мана шундай инсоннинг барча органларининг чет тилини ўзлаштириш жараёнида бир мажмуа бўлиб ишлаши табиий равишда ўз натижаларини кўрсатади. Шундай қилиб, китоб ишлашда ўқиш, қараб чиқиш, конспект қилиш, анализ қилиш, тизимлаштириш, хулосалаш босқичлари актив саналади. Китоб билан ишлаш анъанавий усуллардан саналади. Бироқ ҳали китоб билан ишлаш усулидан возкечиш даври келгани йўқ. Китоб билан ишлаш жараёнида талабалар саволлар бериши, ўқув

материалини муҳокама қилиши, ўз фикрларини бериши, ўқув материали юзасидан бахслар уюштириши ҳам мумкин.

Китоб билан ишлашда *репродуктив методларни* қўллаш яхши натижалар беради. Репродуктив методларга ўқув материалини ва ахборотларни қабул қилиш билан бирга бир томондан уларни амалий машғулотларда қайта тиклашни, уларни амалий қўллашни, ва иккинчи томондан ўқитувчи томонидан турли лингвистик ва грамматик машқлар орқали ўқув материалини мунтазам такрор қилишни тақозо этади.

Чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни талабаларда шакллантириш жараёни мазмуни ўқитувчи томонидан куйидаги омиллар бўйича **аниқ йўналтирилган ҳаракатларни тақозо этади:**

- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш таълим тизимининг устувор вазифаси эканлигини *англаш*;

- чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантиришнинг *яхлит педагогик концепциясини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш*;

- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантиришнинг *самарали шакл, усул ва воситаларини* ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига *таъбиқ этиш*;

- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш жараёнида таълим ва тарбия тизими имкониятлари ва йўлдош фанлардан оқилонга *фойдаланиш*;

- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш жараёнида таълим ва тарбия тизимига кўмакдош бўлган фуқаролик жамияти, яъни турли нодавлат институтлари имкониятларини *белгиланган педагогик вазифага* мақсадли *сафарбар этиш*, мазкур фаолиятига оила, маҳалла, нодавлат тизимлар ва ташкилотлари, ОАВларини кенг *жалб этиш*;

- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш жараёнини турли инновацион қўлланма ва машғулотликлар, методик ишланмалар, ахборот-коммуникацияси воситалари ва асбоблари, лингофон кабинетлар ва зарур инфраструктура, дастурлар билан *бойитиш*.

Ўқитувчиларни педагогик инновацион фаолиятга тайёрлашда куйидаги **умумий методик хусусиятларнинг** амал қилиши тақозо этилади.

Амалий метод билимларнинг амалий ҳаёти тажриба асосида шакллантирилиши дақрорлигини англатади. Чет тилларини ўқитишда мазкур методлар мажмуасининг ўрни жуда муҳим ва бекиёс, бетакрор сананалади. Амалий методлар чет тилида коммуникатив функцияни шакллантиришнинг бош омилдир.

Амалий интерфаол методлар таркибига: гуруҳларда ишлаш, дебат, баҳс ва мунозаралар ташкил қилиш, талабалар гуруҳини иккига ажратиб, уларга ўзаро қарама-қарши мавзуларни муҳофаза қилишини тайинлаш, “Менинг қарорим”, “Менинг нуқтаи назарим”, “Менинг фикрим бўйича бундай. Аммо...,”

“Олимларнинг таъкидлашича...., бироқ” каби психологик-лингвистик ўйинларни тақлиф этиш сарали ҳисобланади.

Кўргазмали методлар таълим жараёнида янги ўқув материални англаш, уни тушуниш ва уни қабул қилишни осонлаштирувчи, уни тезтирувчи ва енгиллаштирувчи методлар мажмуидан иборатдир. Мазкур жараёнга асосий роль ўқитувчига қаратилади. Ўқитувчи вазифасига турли кўргазмали қуроллар, шу жумладан слайд-шоулар, расмлар, иллюстрациялар, схемалар, кластер, идрок хариталари, табица ва жадваллар, видео ва аудио материаллар, кинофильм, мультфильмлар, ранг-баранг амалий тажрибалар, лингвистик материалга чуқур кириб боришни таъминлайдиган ролли ўйинлар орқали ўқув материални тушунтириш, уни назорат қилиш, машғулот ўтказиш, талабалар билимларини баҳолаш, уй вазифаларини бериш қабилар киритилади. Талабаларга кўргазмали қуроллар билан янги ўқув материални ишланганда актив эмас, пассив роль ажратилади. Бироқ талабалар зиммаси ўқув кўргазмаларини билан ишлаш вазифаси юкланганда, улар пассив фазадан чиқиб, актив фазага кириб боришади. Таълим амалиётида кўргазмали қуроллар янги ўқув материални тушунтириш босқичида кўп ишлатилади.

Чет тилларини ўқитишда **оғзаки методлар** бош усуллардан саналади. Чет тилини ўқитувчининг ўзи мазкур чет тилини чуқур охзаки нутқини эгалламасдан туриб, ташкил қила олмайди. Шу боис, ўқитувчидан чет тили бўйича жуда катта ва бой оғзаки нутқ малака ва кўникмалари талаб этилади. Ўқитувчи ўз охзаки нутқида эркинлик кўрсата олмас экан, мазкур ўқитувчи ўқитган талабалар ҳам амалий ҳаётда оғзаки нутқ малакаларини кўрсата олмайдилар. Таълим жараёнида оғзаки методлар янги машғулот материални талабаларга тушунтиришда, масалан грамматик назарий мавзуларни тушунтиришда кенг қўлланилади. Шу билан бирга тил амалиёти ларсларида ҳам ўзаро мулоқот жараёни чет тили оғзаки нутқида ўтказилади.

Оғзаки нутқ амалиёти талабаларнинг коммуникатив функцияларининг шаклланиши, ривожланиши ва таракқий этишида жуда катта аҳамият касб этади. Оғзаки нутқ орқали талабалар чет тилидаги лахжалар, перефиялар тили, турли давлатдаги талаффузлариаро мавжуд лингвистик фарқларини англашга ўрганалдилар.

Америкаликлар, Англия инглизлари, Канада, Ҳиндистон халқи, ёки Австралия халқлари инглиз тилида сўзлашув жараёнида ўзига хос фарқлар мавжуд. Мана шундай ўзига хосликларни англаш айнан оғзаки нутқ машғулотларида амалга оширилади.

Интерфаол усуллар инглиз тилини ўргатиш жараёнида **дўстона муҳит яратиш** омили бўлиб хизмат қилади. Улар талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги ишонч, ҳамфикрлилик, ҳамфаолиятлилик, дўстлик, ҳамкорлик муҳитини юзага келтиради. Биргаликда фикр қилиш ва ишлаш орқали улардаги фаолликни оширади, талабаларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштиради, уларнинг интеллектуал ва хиссий-эмоционал шахсий ёндашуви ва сифатларини ривожлантириш учун хизмат қилади. Дўстона муҳит талабанинг белгиланган ўқув материални осонлик, тазъйиқсиз, илиқлик билан қабул қилиши учун зарур педагогик шароитни яратишга хизмат қилади.

Ўқитувчи инглиз тилини ўқитиш жараёнида куйидаги омиллар орқали аудиторияда дўстона муҳитни ярата олади:

- Ўқув жараёнини демократизм, халқчиллик, ўзаро тенглик муҳитида ташкил қилиш;

- Таълим жараёнида авторитар услубдан воз кечган ҳолда, либерал услубни вужудга келтирадиган методлардан оқилона фойдаланиш;

- Аудиторияда ҳамкорлик ва ҳамнафаслик, фикр алмашиши ва барча фикрларни эркин ифода қилиш муҳитини ташкил қилиш;

- Талабаларни учун қизиқарли булган турли ижтимоий долзарб мавзуларни эркин танлаш;

- Талабаларнинг мустақил фикрлари ва вазифаларни мустақил бажариши шароитини вужудга келтириш, бугун учун гуруҳларда ишлаш, ақлий хужум, идрок харитаси, зинама-зина, кластер, интеллектуал таҳлил, бахс-мунозара, муаммо мониторинги, мустақил ишлаш, индивидуал вазифалар, талаба ўқитувчи ролида, муаммоли ўқитиш методлари ва технологияларидан унумли фойдаланиш.

Маълумки, интерфаол методлар машғулот ва машғулотлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Инглиз тилини ўқитиш жараёнида эса талабанинг эркинлиги ва мустақиллиги жуда кўп ҳолларда унинг инглиз тили малака ва кўникмаларини пухта эгаллаши асоси бўлиб хизмат қилади. Идрок ва шахс эркинлиги бўлсагина, тил эркинлиги вужудга келтирилади. Агар шахс ўз эркинлигини кўрсатишга мойил бўлмаса, унинг тилида ҳам эркинлик бўлмайди. Агар машғулот ва машғулот жараёнида талаба ўз малакаларини эркин, кўркмай, мустақил баён қилиб, намоён эта олсагина, у келажакда реал ҳаётини вазиятларда ўз билимларини эркин қўллашга эришади.

Инглиз тилини ўргатиш жараёнида ўқитувчи дўстона муҳитни ташкил қила олсагина, талабада унинг ички интеллектуал ва мантиқий билим даражасини намоён этиши учун муҳит яратилган бўлади. Агар ўқитувчи ва талаба ўртасида мана шундай дўстона муҳит яратилмаган бўлса, талаба

материални билса ва кўникмаларга эга бўлса ҳам, уларни айнан машғулот ва машғулот доирасида эркин намоёниш этишдан чўчийди ва ҳайқайди.

Инглиз тили ўқитувчиси фаолиятида педагогик методларнинг тўғри ва аниқ танланиши аҳамиятли ҳисобланади. Шу боис, тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида ўқитувчиларни инновацион педагогик жараёнга тайёрлашда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали эканлиги аниқланди:

1. **Маъруза методи** – чет тилининг грамматик, стилистик, лингвистик, лесокологик тузилиши ва қурилиши, шунингдек тил тарихи, хорижий тил фойдаланишда бўлган давлатлар тарихи, улар маданияти, машҳур кишилар ҳаёти, мазкур давлатларнинг байрамлари, иқтисоди, равнақи тўғрисида тўлиқ ва илмий асосланган ахборот бериш.

2. **Диалог методи** – ўқув жараёнининг барча жараёнини ташкил қилиш, иштирокчилари ўртасида ўзаро диалог шароитини вужуд келтириш. Диалоглар турли мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин: масалан, рефератлар ёзиш, буюк инсонлар ҳаётини ўрганиш, уларнинг тарихий ривожланиш ва цивилизация такомиллида тутган ўринларини белгилаш. Бу метод орқали тарихий ва етук шахсларни миллий тарихимиздан, маданиятимиз ва ислом маданияти тарихидан ҳам топиб, ишлатиш табалаларда параллел равишда миллий ғурур ва миллий ихтидор, ижтимоий фаоллик, етакчилик, миллий ўзликни англаш туйғусининг шаклланишида ҳам қўл келади.

Ҳамкорликдаги таҳлил методи – Хорижий тил тажрибаси чет тилларни ўрганишда жуда муҳим саналади. Шунинг учун ҳамкорликдаги таҳлиллар қилиш тилни фаол ўзлаштиришда жуда катта ўрин тутаяди.

Суҳбат методи – талабаларнинг хорижий тил борасидаги билим, малака ва кўникмалари даражасини аниқлаш, уларнинг тил амалиёти билан шуғулланиш жараёнини кескин фаоллаштириш, талабаларнинг тил практикасида қўрқув олатини олдини олиш ва уни бартараф этиш, уларнинг ўз тил қобилиятга бўлган муносабатларини белгилаш, хорижий тил

малакаларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ҳаётда тутган ўрнини белгилаш, талабаларнинг муаммолар юзасидан эркин, мустақил фикр юритишларини таъминлашда жуда қўл келади.

Савол-жавоб – мазкур метод олинган билимларни аниқ боҳолаш жараёнини тайёрлайди, аниқ ва лўнда саволларга жавоб бериш орқали талабанинг билим доираси аниқланади. Шунинг учун мазкур метод аниқ маънога эга бўлган ўқув материалларини баҳолаш, назорат қилиш ва намоён қилишда ишлатилади.

Интерфаол методлар – чет тилларини ўқитиш жараёнига ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг барча интерфаол методлардан унумли фойланиши тақозо этилади. Масалан, улардан “Кластер”, “Бумеранг”, “Б.Б.Б”, “Инсерт”, “Т-жадвал”, “Туруҳларга бўлиниб ишлаш”, талаба ўқитувчи ролида усулидан кенг фойдаланиш, “Индивидуал топшириқлар олиш”, “Ақлий хужум”, «Идрок харитаси», «Роли-поли», “Муаммо технологияси”, “Резюме”, “Блиц-сўров”, “ФСМУ технологияси”, “Аквариум”, “Дебат олиб бориш”, “SWOT анализ (strength, weariness, opportunity, threat)”, “Шахсий аналогия (эмпатия)”, “Open Space”, “Ташвиқот технологияси”, “ИМАК-ишонтириш мактаби технологияси”, “Talk-Show», кабиларни қўллаган ҳолда талабаларда ижодий излаш ва англаш жараёнини ташкил қилиш самарали ҳисобланади. Мазкур интерфаол усулларнинг чет тилларини инновацион ўқитиш жараёнида қўлланилиши ўқув жараёни самарадорлигини таъминлабгина қолмай, балки уни талабалар учун бир неча бор қизиқарли ва иштиёқли қилади. Бундай жараёнларда талаба ўз танлаган касбини эгаллаш жараёнидан ҳузур олади, унинг ўзига бўлган ишончи ортиб боради, талаба билимлар олиш жараёнидан зерикмайди, балки роҳатланади, унинг ўз касбининг турли сирларини эгаллашга бўлган қизиқиши ортиб боради, талаба мустақил ишлай олиш, билимларни мустақил эгаллашни ўрганиб боради, натижада талаба ва унинг танлаган мутахасислиги орасида илиқлик, узвий алоқадорлик ва манфаатдорлик вужудга келади. Бу эса ўз

ўрнида талабанинг таълим жараёнидан манфаатдорлигини оширади ҳамда уни ўз соҳасида яхши мутахасис бўлишга ундайди.

Педагогик баҳолаш методи – анъанавий бўлган сўроқ, имтиҳон, иншо, баён, оғзаки сўров кабилардан, шунингдек яқуний ва оралик назоратлардан фойдаланган ҳолда талабанинг билим даражасини аниқлаш.

Фильмлар ва микрофильмларни муҳокама қилиш – мавзуги оид фильмларни кўриш ва уларнинг турли қирраларини, ҳаётий вазиятларини чет тили ёрдамида муҳокама қилиш.

Муаммоли вазиятларни яратиш методи – талабаларни сунъий равишда яратилган муаммоли вазиятга тушириш орқали ва мавжуд муаммони таҳлили қилиниши орқали чет тилига оид маълум кўникма ва билимларининг шаклланишига ёрдам бериш. Нутқ фаолияти турларини ривожлантиришда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг асосий усуллари қуйидаги жадвалда ифодаланган:

1.1-жадвал.

Нутқ фаолияти турларини ривожлантиришда замонавий ёндашувларнинг асосий усуллари

Ўқув жараёнининг босқичлари	Асосий усуллар	
	Бошқариш, таълим беришни назоратга олиш	Таълим олишни режалаштириш, ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш
1	2	3
Қизиқиш уйғотиш	<u>Хабар бериш, ахборот алмашиниш, ҳимоя қилиш, қарор қабул қилиш</u>	<u>Эшитиш, кузатиш, ўйлаш</u>
Қабул қилиш	<u>Тушунтириш, Намойиш қилиш</u>	<u>Эшитиш, кузатиш, ўйлаш</u>
Тушуниш	<u>Кузатиш, суҳбат, саволлар кўрсатмалар</u>	Кузатиш, тажрибалар ўтказиш, фикрлаш
Ўзлаштириш	<u>Назорат қилиш, баҳолаш</u>	Такрорлаш, машқлар бажариш, тажрибалар ўтказиш
Назорат қилиш (Текшириш)	<u>Суҳбат, йўналтирувчи саволлар</u>	Масалалар ечиш, машқ ва лаборатория ишларини бажариш
Режалаштириш	<u>Суҳбат ўтказиш, йўналтирилган саволлар бериш</u>	Хотирага олиш, тажрибалар ўтказиш
Баҳолаш	<u>Суҳбат ўтказиш, йўналтирилган саволлар бериш</u>	Хотирага олиш, тажрибалар ўтказиш

Ўқув жараёнида ўқитувчининг вазифалари қуйидагилардан иборат: талабаларни тил ўзлаштиришлари учун зарур шароит яратиш, уларни жипслаштириш, жамоа аъзоларини илмий равишда фикрлашга (мулоҳаза қилишга), изчиллик билан, асосланган, қатъий ва объектив мулоҳаза қилишга ўргатиш; жамоа аъзоларини уларнинг фикрлари ва таъкидлари тўғрилигини мустақил равишда исботлаш ва асослай олиш, малакаларини ривожлантириш ва шакллантириш; абстракциялаш ва аниқлаштиришга, қобилиятли қилишга, ўзига масала қўйиш ва уларни ҳал қилиш йўллари қидира олишга, ўзининг фикри ва бошқаларнинг фикрини текшира олиш ва баҳолай олишга, тезда фикрлай олишга ўргатиш; жамоа аъзоларининг нутқини ривожлантириш, уларни ўз фикрларини саводли ва мантиқан тўғри баён қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

1.3-§.Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш бўйича хориж тажрибалари

Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг тажрибаси илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, юқори малакали мутахассислар етиштириб бериш вазифаларини ҳам ҳал қилмоқда.

Биз тадқиқот доирасида талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаларини ўргандик.

Россиялик олимлар Т.И.Кошман, М.У.Вербицкая; хориж олимлари М. Манн, С.Тейлор-Ноулз ва бошқалар томонидан талабаларнинг инглиз тилини ўрганишлари учун яратган ўқув қўлланмалари, дарсликлари, электрон таълимий ресурслари таҳлил этилди. [61,47] Масалан, Т.И Кошманнинг “Тексты для аудирования по английскому языку с проверочными заданиями” номли электрон таълимий ресурси умумий ўрта таълим мактаблари талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда 5-11 синфларда ўқитилаётган Инглиз тили ўқув предмети бўйича матнлар электрон ҳолатда киритилган.[61] Ушбу электрон таълимий восита 81,86 МБ ни ташкил қилиб,

Ростов-на-Дондаги “Феникс” нашриётида тайёрланган (2007й.) 61 анимацион слайдлардан иборат. Шунингдек, мазкур ЭТРда ҳар бир матндан сўнг янги сўзлар учун 10-15 тагача луғат келтирилган.

Инглиз тили ўқитувчилари учун мўлжалланган “Assorted English Activities” электрон ўқув қўлланмада эса, “A Bit from Everything. Children's Songs. Conversation and Writing Questions. English Idioms. English Proverbs. Fairy Tales. Folk Tales. Games and Activities for Teachers. General Knowledge Questions. Grammar Summary. Guess-The-End Jokes...”, яъни “Ҳамма нарса тўғрисида”, “Талабалар учун қўшиқлар”, “Сухбатлашиш ва ёзиш учун саволлар”, “Инглизча иборалар” “Инглиз мақоллари” “Эртақлар”, “Халқ эртақлари”, “Ўқитувчилар учун ўйинлар ва тадбирлар”, “Умумий билим олиш учун саволлар”, “Грамматика”, “Ҳазилларни тахмин қилинг ...” каби рукнлар киритилган. Ушбу электрон қўлланма 9,28 МБни ташкил қилиб, 2017 йилда тайёрланган.

Худди шундай электрон қўлланмалардан бири – “BBC Learning English - 278 Quizzes (Elementary - Advanced)” деб номланади. Унда “Инглиз тилидан аудиокурслар” рукни мавжуд бўлиб, ушбу аудиоёзувларда турли викторина саволлари, грамматикага оид матнларнинг ўқиши ва талаффуз этилиши ёзилган. Унда 5 гуруҳга бўлинган 278 та BBC Quizzes жойлаштирилган, яъни Grammar (51); Vocabulary (125); Topic based (76); Country (9); Other (17). Ҳар бир жавоб вариантыга изоҳлар келтирилган бўлиб, уларнинг қайсилар тўғри ёки нотўғри эканлиги таҳлил этилган.

Яна бир электрон таълимий қўлланмалардан бири – бу М. Вербицкая ва М. Манн томонидан тайёрланган “Тесты для подготовки к ГИА по английскому языку»(2017й.)электрон таълимий қўлланмадир. Унда ахборот интернет-ресурси билан ГИАга инглиз тилида тайёргарлик кўриш учун тестлар киритилган. Электрон қўлланмада таълим ва фан соҳасидаги назорат федерал хизмати томонидан инглиз тилида давлат (якуний) сертификатлаш учун материалларни назорат қилиш ва ўлчаш бўйича талаблар ҳисобга олинган. Ўқув қўлланма 104,34 МБни ташкил қилади.

Ю.С. Веселова томонидан тайёрланган “ Сборник тренировочных и проверочных заданий» (2013 й.) номли электрон ўқув қўлланмасида ҳар хил турдаги AUDIO ёзувларда умумтаълим мактабларининг 5-синф талабалари томонидан инглиз тили дарсларида ўрганилган материални такрорлаш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган матнлар берилган. шунингдек, давлат имтиҳонларининг дастлабки босқичларига тайёргарлик кўриш учун аудиоёзувлар киритилган. Мазкур электрон қўлланма 116,79 МБни ташкил қилади. [46]

Е.В.Русинова томонидан яратилган “Тренажер по чтению. Буквы и звуки” номли электрон қўлланма бир вақтнинг ўзида дарслик ва иш дафтари вазифасини бажаради. Курснинг асосий мақсади ҳар қандай инглизча сўзни қандай ўқишни ўрганишдир. Курс 35 дарсдан иборат бўлиб, асосан, (7-10 ёшдаги болалар ва инглиз тилини элементар даражада ўрганувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, ушбу электрон таълимий ресурс инглиз тилини ўрганишни янги бошлаётганларга амалий ёрдам вазифасини утайди. Электрон таълимий ресурс 12,41 МБни ташкил қилади.[74]

Т.К. Сигал томонидан яратилган “Аудирование для школьников” (2014) деб номланган ўқув қўлланма Elementary даражасидаги инглиз тилини ўрганишга мўлжалланган. ЭТР Москва шаҳридаги Айрис-пресс нашриётида тайёрланган бўлиб, унинг мақсади - инглиз тилидаги матнларни тинглаш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек мазмунли маълумотларни ажратиб кўрсатиш қобилиятини ривожлантириш. Тинглаш материаллари машҳур афсоналар ва эртаклардан мослаштирилган матнларга асосланган. Психологик қийинчиликларни бартараф этиш учун пухта ишлаб чиқилган машқлар мавжуд: Ушбу ЭТР 61,91 МБ ни ташкил қилади. [77]

Ўтказилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, бугунги кунда педагогик жараёнда талабаларнинг нутқ ўзлаштиришларига мўлжалланган электрон таълимий ресурслар мавжудлигига қарамасдан, ўзбекистонлик талабалар учун миллий менталитет хусусиятидан келиб чиқиб ҳамда тил ўзлаштириш бўйича малака талабларини амалга ошириш учун муайян ишлаб чиқилган

ахборот-коммуникацион таълимий ресурсларига эҳтиёж мавжуд. Гарчи, бугунги кунда республикамиз ОТМларида инглиз тилини ўқитишда кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниш ҳолатлари мавжуд бўлсада, ушбу муаммо ўз ечимини кутаётган масалалардан бирига айланган.

Биз тадқиқот доирасида хориж тажрибаларини ўрганар эканмиз куйидаги методларни ўқитиш жараёнида қўллаш борасидаги тажрибаларни ҳам таҳлил қилдик.

"Silent way" (жимлик методи) XX асрнинг 60-йилларида вужудга келган. Бу метод инглиз тилини ўрганишда табиий омиллардан фойдаланишни кўзлайди. Ҳар бир инсонда тил ўрганиш қобилияти табиий мавжуд бўлади. Шунга кўра, талаба инглиз тилини мукамал ўрганмоқчи бўлса, унга барча педагогик шарт-шароитларни яратиб бериш зарур бўлади. Шу боис, мазкур метод тарафдорлари фикри бўйича инглиз тили ўқитувчиси талабанинг имкониятларини рўёбга чиқаришга шарт-шароит яратиши зарур. Ўқитувчи сўзларнинг турли символларини кўрсатиш, ўқиш ва эшиттириш орқали талабанинг тил бойлигини кўпайтиради. Символлар кейинчалик сўзлар билан узвий боғлиқликда хотирада сақланиб қолади.

"Total-physical response" (жисмоний жиҳатдан ахборотга нисбатан таъсирни кўрсатиш методи). Мазкур методнинг талабига биноан ўзидан ўтказилмаган ҳар қандай ахборот хотирада сақланиб қолмайди. Шу боис ҳам хорижий тилни ўрганиш учун тил ахборотини инсон ўзидан ўтказиши лозим. Шунга кўра, аввал талаба етарли ҳажмдаги хорижий тил бўйича ахборотлар билан қуроллантирилади. Кейин эса қарийиб йигирма соат талаба фақат берилган ахборотлар мажмуасидан иборат хорижий тил материални мунтазам эшитиб боради. Кейин эса талабадан олинган ахборотларга нисбатан жисмоний жавоб бериш талаб этилади. Жавоб бериш тана ҳаракатлари орқали кечади. Масалан, "Stand up!" дейилганда талабалар туради, "Sit down!" дейилганда талабалар ўтиради. Бинобарин, узоқ вақт талаба аввал эшитиб, кейин ўз ҳаракатлари орқали ахборотни ўзлаштириб олганидан сўнггина мана шу ахборот билан фаол муносабатлар ўрнатилади.

Мазкур методда талабалар кейинчалик на фақат ўқитувчи билан, балки фаол тарзида ўзаро ҳам кенг мулоқотга киришадилар.

"Sugesto pedia" – талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма («reading») нутқнинг тил материалига чуқур кириб бориш методи. Мазкур метод ўтган асрнинг 70-йилларидан кенг тарқала бошлади. Мазкур метод тарафдорларининг фикрига кўра, инсон ҳар қандай бошқа хорижий тилни ўрганиши мумкин. Шу боис, гуруҳдаги барча талабалар ўзларига янги, хорижий тил мамлакатига доир исмларни қабул қиладилар, ўзлари учун янги биографияларни ўйлаб чиқарадилар. Янги тил мамлакатига яшашни фантазия қила бошлайдилар. Шу боис, талабаларда иллюзия, яъни янги мамлакатда яшаётган янги инсон кифоаси вужудга келтирилади. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма («writing») тил ўрганиш имкониятлари жуда кенгайди, улар эркин мулоқотга киришганидан сўнг эса, уларда ўз кучларига ишонч бир неча баробар ортади.

Пол Пимслернинг тил ўргатиш методи -талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда нутқнинг асосий тўрт категориядан иборат бўлган тизимга таянади. Булар антиципация, тизимланган интервал такрорлар, сўз ядроси ва чекланган таълим. Антиципация асосида талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда (colloquial speech) ва ёзма («writing») нутқни бир вақтнинг ўзига ҳам кўради, ҳам эшитади, ҳам талаффуз қилишга ўрганади, ҳам ўз хотирасида уни жонлантиришга уринади. Мазкур метод асосидаги машғулотликлар Pimsleur Language Programs маркази томонидан ишлаб чиқилиб Simon & Schuster нашриёти томонидан нашр қилинади. Ҳар бир машғулот 30 минутлик электрон ташувчида жамланган аудио-машғулотдан иборат. Бугунги кунда мазкур метод асосида турли коммуникацион ишланмалар кенг кўламда ишлатилади. Улар ичида аудио ва видео кассеталар, интернетга жойланган очиқ машғулотлар, CD дисклар мавжуд. Пимслернинг методи кўпчилик замонавий методлар каби кўпроқ хорижий тилга сўзлашиш ва мулоқот

қилишга ўргатади. Ушбу метод талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга мўлжалланган бўлсада, colloquial speech ва ёзма «reading» нутқ малакаларига ўргатмайди.

Шундай қилиб, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бугунги кунда барча педагоглар инновацион педагогик фаолиятни педагогик амалиётга татбиқ эта олишлари шарт. Айниқса, олий таълим тизимида, хусусан инглиз тили бўйича фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг инновацион фаолиятларига бўлган талаб жуда кучли эканлиги аён. Шунга кўра, замонавий ўқитувчи педагогик илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириши, таълим жараёнида интеллектуал мулкни асраши ва янада ривожлантириши, янги ва илғор педагогик ишланмаларни амалиётга жорий қилиши, инновацион лойиҳалар кўламини кенгайтириши талаб этилади. Бунда олий таълим тизимида инглиз тилидаги ўқув материални инновацион шакл, восита ва усулларни жорий этиш орқали ўзлаштириш, бунинг учун махсус тайёргарлиги мавжуд бўлган педагогик кадрларни етиштириш муҳим ҳисобланади.

2. Кўргазмали қуроллардан эффектив фойдаланиш – қўйилган педагогик мақсад ва тадқиқот мавзуси доирасида жуда кенг равишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Кўргазмали қурол сифатида фильмлар, вазиятлар, ҳодисалар, ижтимоий ҳолат ва халқаро вазият, конфликт ҳолатлари ишлатиш мумкин.

3. Мақсадли тадбирлар ўтказиш - етакчиликни намоён қилишга бағишланган махсус танлов, кўргазмалар, интервьюлар, конференция, анжуманлар, давра суҳбатларини ташкил қилишдан иборат бўлади. ОТМ да талабаларда билан турли маънавий-маърифий тадбирларни чет тилида ўтказиш жуда катта самара беради. Агар мазкур жараёнда ОТМ раҳбарияти ҳам хорижий тилмалакаларини намоён қил аолса, нур устига нур бўлади. Яъни талабада тақлид қилиш учун ёрқин намуна шакллантирилган бўлади.

Мана шундай тадбирлардан, “Биз ХХІ аср фарзандларимиз”, “Етуклик сари”, “Хорижий тиллар марафони”, “Тил турнири”, “Тил КВНи”, “Тил мактаби”, “Бир кунлик тил акциялари”, “Жамиятдаги менинг ўрним ва вазифаларим”, “Шаҳримиз, туманимизни озодаликда тутиш - келажакка кадам қўйиш”, “Соғлом бўлсам – полвон бўламан”, “Биз кучли ва соғлом оила”, “Соғлом турмуш тарзи – миллат бойлиги”, “Хорижий тил - менинг тақдиримда”, “Ватан мустақиллиги”, “Хорижий тил ва менинг оилам келажаги”, “Менинг ҳаётимда чет тилининг тутган ўрни” каби семинарлар, анжуманлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, кўргазмалар, баҳслар, оммавий тадбирлар, оммавий ҳаракатлар, танловлар, спектакллар, намойишлар, қўшиқ ва эртак кечалари талабаларда жуда катта қизиқиш ва иштиёқ уйғотиши аниқ.

4. Тадқиқот доирасида инглиз тилини ўқитишда куйидаги педагогик **воситалар** самаралидир:

- таълим жараёнининг техник қурилмалари (видео, магнитофон, аудио, крерокс, таблолар, флэп-чатлар, мульти-медиа воситалари) ва IT технологиялари билан таъминланганлиги;

- мавзуга оид махсус оммабоп ва илмий манбаларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг ҳаммабоп эканлиги;

- миллий қадриятлар ва миллий маданият омиллардан унумли фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги (суҳбатлар, учрашувлар, музей, кино, театрга бориш);

- тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда турли хорижий меҳмонлар, хусусан хорижий давлатлар элчилари, уларнинг намоёндалри билан учрашувлар ўтказиш имкониятининг мавжудлиги;

- чет тилларни ўқитишда амалий тажрибаларни шакллантириш учун “тилни ўз она тили деб билган” ўқитувчилар сонининг мавжудлиги ва уларнинг таълим жараёнига тортилганлиги”

ҳаётий воқеаларни шуҳрат қозонган инсонлар билан бўлган мулоқотлар орқали муҳокама қилиш имкониятининг яратилиши. Демак, инглиз тилини

Ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилини жорий этадиган энг биринчи шахс бу ўқитувчидир. Бинобарин, педагогик фаолият нуфузини ошириш, унинг самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бу таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик инновацион фаолиятини ташкил этишдир. Замонавий педагогик инновацияларсиз педагогик жараён самарадорлиги оқсайди. Инновацион педагог фаолият таълим тизимидаги амалга оширилиши зарур бўлган “портлаш” эффектини таъминлаб берувчи бош омиллардан биридир.

II. БОБ ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ АУДИТИВ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2. 1-§. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш учун биз узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартидаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”га мувофиқ, олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари битирувчилари чет тили бўйича B2 даражасини эгаллашлари белгилаб берилганлигини ўргандик.

Инглиз тилидан фан дастури мазмун-моҳиятига кўра умумий илмий (академик) тил кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган, талабаларнинг бўлғуси касбий фаолиятларида фойдаланадиган тил компетенцияларини ривожлантиришга мослаштирилган. Мустақил таълим талабаларда тилдан эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаш мотивациясини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Инглиз тилини ўргатишдан асосий мақсад – бўлғуси мутахассисларда кундалик ҳаётлари, илмий ва касбий фаолиятларида инглиз тилидан эркин фойдаланувчи мутахассисларни тайёрлаш. Шу билан бирга, уларда ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш, мустақил изланиш, билим ва кўникмаларини дарсдан ташқари, ОТМни битирганларидан кейин ҳам ривожлантириш малакаларини ҳамда умумбашарий ва соҳага оид илмий мавзуларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар илгари сурилади:

– талабаларнинг нутқий (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш), тил (лексик, грамматик), ижтимоий-маданий ва прагматик компетенцияларини ДТСи талабларига биноан ривожлантириш;

– илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма равишда баён этиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

– умумбашарий ва миллий қадриятлар билан таништириш, маданиятлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамдўстлик ҳисларини сингдириш;

– илмий ва касбий фаолиятда қўлланиладиган термин ва атамаларни ўргатиш;

– талабаларнинг илмий ва соҳавий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларини ташкил этиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйида келтирилган талаблар қўйилади. Давлат таълим стандартларига кўра чет тили бўйича В2 даража битирувчилари тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар асосида қуйидаги компетенцияларни эгаллаш кўзда тутилган.

Лингвистик компетенция

Нутқий компетенция:

Тинглаб тушуниш:

кенг кўламли нутқ ёки қатор мураккаб фикрлар баёнини;
маъруза, нутқ, баёнот, тафсилотли йўриқномалар, илмий ва ихтисослик такдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини;

эълон ва хабарларни;

таниш ва нотаниш контекстдаги мураккаб аутентик нутқни;

ўрганилаётган тил эгаси бўлган сўзлашувчиларнинг суҳбат ёки мунозарасининг аксарият қисмини;

радио, интернет ва телевидение дастурлари, интервьюларнинг аксарият қисмини тушуна олади.

Гапириш:

Диалог:

Ўрганилаётган тилда сўзлашувчилар билан мулоқотга киришиш;
олдиндан тайёргарлик кўрилмаган жонли муҳокама ва мунозара юритиш;

Ўз соҳаларига оид интервьюда иштирок эта олиш;

битимга келишув ёки муаммо ечимини топишда расмийлик ва хушмуомалаликдан фойдаланиш;

расмий муҳокама доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ифодалаш;

Ўз ҳамкорлари билан музокара юриштиш;

маълум масала юзасидан маданий тартибга амал қилиб маълумот ёки илтифот сўраш;

муҳокамаларда ўз фикрларини асослаш, ўзгартириб талқин эта олиш ва тузатиш;

расмий доираларда (масалан, семинар ва ҳоказолар) хос равишда савол-жавоб қилиш.

Монолог:

маълум мавзу бўйича яхши тақдимот қилиш;

Ўз соҳаси бўйича маълумотларни аниқ ва батафсил баён этиш;

маълум мавзу бўйича оғзаки маъруза қилиш;

мақола, маъруза ёки муҳокама юзасидан аниқ умумлашган хулоса қилиш;

таниш мавзуга оид қараш ёки фикрни ривожлантириш, далиллар, мисоллар келтириш орқали асослаш.

Ўқиш:

таниш ва нотаниш мавзулардаги матнларнинг асосий/айрим жиҳатларини;

Ўз соҳалари ва қизиқишларига мос ёзишмаларни;

жадвал, графикларнинг қисқа изоҳини;

мураккаб номаларни;

махсус ва мураккаб ёзма йўриқнома ва йўналишларни;

тезислар, маъруза матнлари, конференция дастурлари, мундарижа ва шу каби матнларни;

касбий соҳаларига оид мақола ва маърузалардан тегишли маълумотни ажрата олади.

Ривожлантириладиган малакалар: Чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва б).

Ўзув:

Махсус расмий ва норасмий нома/хатлар;

шаклан ва мазмунан тўғри ташкиллаштирилган иншо ва маърузалар;

етарли даражада грамматик, мазмун жихатдан тўғри тузилган ва мос услубдаги илмий мақолалар;

таклифлар, хулосалар, аннотациялар ва тезислар;

зарур ҳолда ўз соҳалари бўйича битирув малакавий ишлар ёза олиш.

Тил компетенцияси:

Лексик:

В2 даражасидаги лексикани эгаллаш;

сўз ясалиши (кўшма сўзлар ва аффиксация), ўзлашма (байналмилал) ваўзакдош сўзлар;

антонимлар, синонимлар ва бошқа умумлексик муносабатларни қўллай олиш.

Грамматик:

ўтилган грамматик материал (фееъл замонлари, модал фееъллар, сифат ва равишларнинг қиёсий даражалари, детерминатив сўзлар, предлоглар ва ҳоказо)ни кундалик, илмий ва соҳавий контекстларда тўғри қўллай олиш.

Социолингвистик компетенция

Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлари мисолида (ижтимоий ва таълим доираларида) маданиятлараро мулоқотни чуқурроқ тушуниб етиш ва унинг мулоқот билан боғлиқ хусусиятлари, жумладан, саломлашиш, мурожаат шакллари, хушмуомалалик ва ҳоказо;

турли маданиятлардаги коммуникациянинг новербал элементлари:
хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар устида ишлашни давом эттириш;

электрон мулоқотларнинг чет тилида ёзиш хусусиятларини билиш ва амалиётда қўллай олиш.

Прагматик компетенция

тақдимот қилиш маҳоратини янада такомиллаштириш;

фикрларни оғзаки ва ёзма нутқда мантиқан ифодалаш;

турли ижтимоий, таълим ва мутахассислик доираларида мос равишда тилни тегишли расмий шаклда қўллашни англаш;

мулоқот жараёнида нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тузатиш, тўлдириш ва бошқа стратегияларини идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш натижаларидан аён бўлишича, уларнинг диққати ва хотирасининг хажми, уни кўчувчанлиги, инглиз тилидаги маълумотларни қабул қилиш ва ўзлаштириш тезлиги, ўқув материални тасаввур қилиши ва англаши, “нутқ тезлигини ҳис этиши” билан бир-биридан фарқ қилади. Нейропедагогларнинг таъкидлашича (Тункун Я.А., Н.В.Москвина, В.Д.Еремеева) бунинг асосий сабаби – бош мия ярим шарларининг қайси бири инсон ҳаёти фаолиятида етакчи аҳамиятга эга эканлигидадир.[89,69,56] Чунки, таълим жараёнида бош мия чап ярим шарига таяниш фақат чап ярим шарнинг фаол ривожланишига, ўнг ярим шарига таяниш эса ярим шарларнинг ҳар иккаласининг фаол ривожланишига олиб келади (Тункун Я.А. Основы нейропедагогики: история, теория и практика / Ж.: Киберленинка, 73-2, -203. С.204). Шу сабабли инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабалар мана шундай ўзига ҳос жихатларини ҳисобга олиш, уларга таълим бериш, тил ўзлаштириш ва тинглаб, эшитиш кўникмаларини ривожлантиришдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.[89]

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришни самарали ҳал этиш учун унинг ечим йўлини излашга янгича ёндашиш – муаммони мажмуъавий таҳлил қилиш ва ҳал этиш зарур. Бунинг учун педагог, психолог, социолог ва нейрологларни, уларнинг тажрибаси ҳамда илмий изланишлари маҳсулини бирлаштириш керак бўлади. Шу йўналишда “инглиз тилини ўргатишда талабаларга қандай таълим бериш керак?” деган оддий, бироқ ўта муҳим саволга жавоб бериш лозим бўлади.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш масаласи уларнинг бош миёсида содир бўладиган нейрологик ўзгаришлар нуқтаи назаридан ўрганиш, яъни нейрологиянинг педагогика билан синергизми асосида ўрганиш лозим бўлади.

В.А.Москвин, Н.В.Москвина, В.Д.Еремеева ҳамда Т.П.Хризман, шунингдек, америка олимлари Чарльз, С.Жейкобс каби олимларнинг фикрига кўра, инсон тафаккури субъектив бўлганлиги боис, унинг хиссиётлари мантикий йўл билан олиш мумкин бўлган қарорлардан кўра яхшироқ қарорларга келишга ёрдам берар экан.[69,68,56,56]

Ўзбекистонда хориж тилларини ўрганишда нейропедагогик билимлардан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш (Ғуломов Ж.Р., Анварова В.Ж. Талабаларнинг нейропедагогик хусусиятларини инновацион таълим муҳити шароитида ривожлантириш / Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси. Халқаро конференция материаллари. 2014 йил 12-13 ноябрь. – Т.: 2014. – 192-193) ва талабаларнинг нейропедагогик хусусиятларини инновацион таълим муҳити шароитида ривожлантиришнинг айрим масалалари тадқиқ этилган бўлиб, мазкур соҳада йирик илмий тадқиқотлар ҳозирча амалга оширилмаган.[34]

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришда когнитив нейрология, дифференциал психофизиология ва нейропсихологиянинг талаба шахси томонидан турли

Ўқув материалларини ўзлаштиришда унинг бош мияси фаолиятида содир бўладиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда талаба ва педагогнинг индивидуал латерация профили вариантларининг бир-бирига мос келишини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш муҳим ҳисобланади.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда бош мия ярим шарларининг ҳар иккаласи ҳам мураккаб когнитив жараёнларда иштирок этса-да, уларнинг фаолият стратегияси бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Чап ярим шарлари етакчи бўлган талабалар маълумотларни кетма-кет ва мантиқий таҳлил қилиши ҳамда таҳлилнинг хусусий бўлақлардан умумийга йўналганлиги билан ажралиб турсалар, ўнг ярим шарлари етакчи бўлганлар олами интуитив ва умумий яхлитликда англаши ҳамда тафаккурининг умумийдан хусусий бўлақларни таҳлил қилишга мойиллиги билан фарқ қиладилар. Бу ҳолат таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш интуитив-ҳиссий (коммуникатив) ҳамда мантиқий-рационал (нокоммуникатив) йўллар билан содир этилишида намоён бўлади. Тадқиқот доирасида биз талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришда таҳсил олувчиларнинг бош мияси фаолиятида олий психик функцияларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб педагогик вазифаларни самарали ҳал этилиши учун амалий ёрдам беришни мақсад қилиб қўйдик. Бунда биз нейродидактика, нейропедагогик диагностика (ташхис), нейропедагогик тарбия, нейропедагогик коррекция ва адаптация ҳамда таълим жараёнининг нейропедагогик муҳитини ташкил қилишга киришдик. Инглиз тилидаги ўқув материални талабаларга тақдим қилар эканмиз, биз нейродидактикага асосланган ҳолда таълим муҳитини ташкил қилишнинг нейропедагогик тамойилларини, таълим жараёни ва ички гуруҳлар психодинамикасининг нейропедагогик таркибини ҳамда таълим-тарбия жараёни янада самарали бўлишини таъминлашга қаратилган нейропедагогик ҳамкорликни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг шакл ва методларини тадбиқ қилишга киришдик.

Бу инглиз тилидаги аудитив нутқни ривожлантиришнинг объектив қонуниятлари асосида таълим жараёнини бошқариш имконини берди. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш жараёни нейродидактикадаги умумий ва хусусий қисмларга таянишга ундади. Биз тажрибавий машғулотларда (2017-2020 йй.) талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга мўлжалланган нейропедагогик диагностика – талабаларнинг бош мия ярим шарлари асимметриясининг бир нечта функционал типларини аниқлаш имконини берувчи топшириқлар мажмуини ишлаб чиқдик (1-Илова). Талабаларнинг аудитив нутқдаги нуқсонларни коррекциялаш учун педагогик хусусиятлар ҳисобга олинди ва уларнинг кадриятли-мотивация ва инглиз тилидан ўқув материални тинглаб тушуниш кўникмаларига тузатиш киритиш орқали таълим жараёнини ташкил этилиши таъминланди.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришни самарали ҳал этиш учун педагогик муҳит куйидаги тўрт таркибий қисмдан иборат бўлиши лозим:

– жисмий муҳит – аудитория, ундаги жиҳозлар, электрон ахборот таълимий ресурслар;

– психологик муҳит – таълим олувчиларни аудиторияда индивидуал-психологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши;

– психосоциал муҳит – ўқитувчи ва талабаларнинг таълим жараёнидаги шахслараро коммуникацияси;

– талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга мўлжалланган ахборот таълимий ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўқув дастури ва ишчи режадаги мавзуларга мослиги.

Тадқиқот даврида биз талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш технологияси негизидаги таълим методларини таснифлашга ҳаракат қилдик (2.1-жадвал)

2.1-жадвал. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш технологияси негизидаги

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

№	Методлар	Кутилаётган натижа
1.	АУДИТИВ	Талабаларга инглиз тилидаги матнларни тинглаб, тушунишларига хизмат қилувчи методлар бўлиб, улар матндаги ижтимоий аҳамияти ва ўрни, далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб жонли нутқ ёрдамида баён қилиш асосида тинглаб, тушунишларига имкон беради.
2.	Лингофон воситалари асосида ташкил этилган СУЎБАТ	Талабаларга инглиз тилидаги нутқни аудио ва видео ёзувлар асосида тинглаш, эшитиш, тушуниш, идрок қилиш, билим ўзлаштиришни таъминлайди
3.	Савол-жавоб методи	Талабаларга инглиз тилидаги ўқув материални ахборот-коммуникацион ресурслари воситасида нутқий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади, мантиқий фикрлашга имкон беради.
4.	Тушунтириш методи	Талабаларга инглиз тилидаги ўқув материални ахборот-коммуникацион ресурслари воситасида нутқий компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий моҳияти ва унга эга бўлишнинг ижтимоий аҳамияти, китоб мутоаласи, нафосат тарбияси, маърифатли бўлиш ҳақидаги

		тушунчалар ҳосил қилинади.
5.	Маъруза методи	Тажриба-синов иштирокчиларига инглиз тилидаги ўқув материални ахборот-коммуникацион ресурслари воситасида нутқий компетенцияларни ривожлантириш омиллари, шарт-шароити ва педагогик имкониятлари тўғрисида маълумотлар беришга йўналтирилади.
6.	Фаолиятда машқ қилиш (амалий машқлар) методи	Семинар-тренинглар асосида аудитив нутқий компетенцияларни ривожлантириш учун шароит юзага келади.
7.	Интерфаол методлар	Талабаларга инглиз тилидаги ўқув материални ахборот-коммуникацион ресурслари воситасида нутқий компетенцияларни ривожлантириш учун кичик гуруҳларда баҳс-мунозараларни ташкил этиш асосида кўникма, малака ва компетенциянинг шаклланиши, талабаларни ўзаро биргаликда ҳаракат қилишлари асосида, муҳокама этилаётган муаммонинг ечимига оид турли хилдаги ғояларни тўплашга имкон беради.
8.	Эксперт баҳолаш методи	Тадбир қатнашчи (респондент)лари фаолиятининг тенгдошлар томонидан ўзаро ёки махсус белгиланган экспертлар гуруҳи томонидан холис, объектив, ҳар томонлама тўғри баҳоланишини таъминлашга ёрдам беради.
9.	Муаммоли вазиятларни яратиш	Талабаларга инглиз тилидаги ўқув материални ахборот-коммуникацион ресурслари воситасида аудитив нутқ лаёқати ҳамда унинг моҳиятини

	методи	ёритувчи таянч тушунчалар юзасидан ҳар томонлама жиддий фикр юритиш, муаммонинг ечимини топишда мавжуд интеллектуал имкониятлардан фойдалана олиш кўникмасининг шаклланишини таъминлайди.
10	Манба билан ишлаш методи	Талабаларда аудитив нутқни ахборот-коммуникацион ресурслар воситасида ривожлантириш учун ҳавола этилаётган саволлар, муаммоли вазиятлар бўйича кичик тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш кўникма ҳамда малакаларига эга бўлишларига йўналтириш
11	Кўргазмали лик методи	Талабаларда аудитив нутқни ахборот-коммуникацион ресурслар воситасида ривожлантириш учун талабалар томонидан ўзлаштирилаётган назарий маълумотларни кинестетик (кўриш орқали идрок қилиш) мустаҳкамлаш, билимларни амалиётда қўллашга хизмат қилади
12	Амалий тажрибалар (тадқиқотчилик) методи	Талабаларда аудитив нутқни ахборот-коммуникацион ресурслар воситасида ривожлантириш учун амалиётда малакаларини синаб кўриш, муаммо моҳиятини чуқур англаниши учун зарур шарт-шароитни юзага келтириш

Жадвалда акс эттирилганидек, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш таълим муҳитини ташкил этиш, психодинамик даражада таҳлил қилиш, трансакт таҳлил ва стратологик таҳлил усулларида фойдаланишга қаратилади.

Стратологик таҳлил асосида биз талабалар аудитив нутқини кичик гуруҳлар типологияси ва уларнинг нейропедагогик позицияларига асосий эътибор қаратган ҳолда гуруҳнинг умумий нейропедагогик рельефини тадқиқ қилиш билан бошладик, яъни талабаларнинг инглиз тилидаги ўқув материални ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқладик.

Трансакт таҳлилда тақдим қилинаётган ўқув материалнинг маънавий таъсири, нейропедагогик позициялар кўринишида намоён бўладиган коммуникациянинг мажмуавий ва стереотипли занжирларини ўрганишга асосландик.

Психологияга оид илмий тадқиқотларда инсонга берилаётган маълумотнинг ўртача 5-10 фоизи англанилади, яъни онгли равишда ўзлаштириши мумкин бўлиб, маълумотнинг қолган қисми апперцепция жараёнида, инсон томонидан анланмаган ҳолда онг остига ўтиб кетади. Шунинг учун, талабаларнинг касбий аудитив лаёқати берилаётган маълумотларнинг талаба шахси томонидан онгли равишда, тушуниб қабул қилинишига шароит яратишга боғлиқ.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришда – унинг интегратив назарий базасини, умумий методологиясини ҳамда аниқ диагностик ва коррекцион технологияларини яратиш зарур. Бу эса таълим жараёнида бериладиган маълумотларни талабалар фақатгина эслаб қолишлари учун эмас, балки англашлари ва нисбатан қийинчиликларсиз тушунишлари ҳамда ўзлаштиришлари учун ёрдам беради.

Ушбу ҳолат талабаларда бош мия ярим шарлари синхронизациясининг ривожланишини – уларда ақлий фаолият самарадорлигининг ошишини таъминлайди. Бунинг учун қуйидаги муҳим ҳолатларга таянган ҳолда янги педагогик технологияларни яратилиши ва таълим жараёнига жорий этилиши керак бўлади:

ҳар бир талабада таълим олиш, инглиз тилидаги нутқни тушуниш ва тафаккур қилиш жараёни турлича кечади;

хар бир талаба тафаккурининг ўзига ҳослиги – инсон бош мияси ярим шарларининг маълумотларни қабул қилиш ҳажми ва ишлаш тезлиги, у ёки бу хотира тизимининг устунлиги ва тафаккур жараёнларининг бориши билан фарқ қилиши;

-хар бир индивид бош мия ярим шарлари фаолиятининг ўзига ҳосликларини ҳисобга олиш.

Таълим жараёнида ўқитувчилар ўқув материалларини тушунарли тилда талабаларга етказиш учун уларнинг бош мия ярим шарларидаги ўзига ҳосликларни ҳисобга олишлари керак.

Инглиз тилини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг яратилиши ва таълим жараёнига жорий этилиши учун педагоглар кўйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари муҳим саналади:

талабанинг бош мияси фаолиятини “паралелль процессор”га қиёслаш мумкин. Бош мия бир вақтнинг ўзида бир неча функцияни амалга ошириши мумкин. Ўқитувчи талабаларни маъноси ва мазмуни жиҳатидан турлича бўлган билиш жараёнларига жалб қилишга, таълимнинг турли шакл ва методларини қўллашга имкониятига эга бўлиши;

билиш ва таълим олиш мия ривожланишининг табиий механизмларидир. Инсон табиатан билимга интилади ва қизиқади. Педагогиканинг фан сифатидаги вазифаси таълим олувчининг билимга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат;

нутқ ўзлаштиришда аввалги тажрибага таяниш. Инсон мияси ҳар доим янги билим ҳамда тажрибадаги мавжуд маълумотлар ўртасидаги ўзаро алоқа тартибида ишлайди. Мия таълим жараёнида доимий равишда фаоллаштириш керак бўлган мавжуд билим ва маълумотлар ичидан таяниш мумкин бўлганларини топганидагина янги вазиятни, маълумотни тушуниш ва англаш ходисаси содир бўлади;

мия қонуниятлар ўрнатиш орқали мазмунни қидиради. Тартибсизлик бош мия фаолияти самарадорлигини камайтиради. Бош мия потенциали

босқичма-босқич, тартибли равишда интеллектуал қийинчиликларни енгишга қаратилган бўлса таълим жараёнининг самарадорлиги ортади;

ҳиссиётлар миянинг самарали фаолияти омилидир. Ўқув материаллари шахснинг яхши кайфиятдаги ҳолатида тўлароқ ва чуқурроқ ўзлаштирилади. Хиссий омил таълим олувчининг тафаккури ва ижодий потенциалини рағбатлантиради;

талаба мия фаолияти бир вақтнинг ўзида қабул қилаётган маълумотларини ҳам таҳлил қилиш, ҳам умумлаштириш имкониятига эга. Таҳлил қилиш ва умумлаштириш – таълим жараёнида инсон тафаккурининг муҳим жараёнларидир. Уларни биргаликдаги шаклланиши эса таълимнинг махсус шакл ва методларидан фойдаланишни талаб қилади. Бунинг учун ўқув материаллари доимий равишда умумий ва хусусийнинг, таҳлил ва умумлаштиришнинг, индукция ва дедукциянинг, масалаларни тўғри ва тескари ечим йўлларининг ўзаро боғлиқлигини акс эттирган ҳолда бериб борилиши керак;

мия маълумотларни бир вақтнинг ўзида фокусланган диққат ва периферик сезиш орқали қабул қилиш хусусиятга эга. Агар таълим жараёнини ташкил қилишда миянинг периферик сезиш хусусиятидан конструктив омил сифатида тўғри фойдаланилса талабанинг билимларни ўзлаштириш самарадорлиги янада ортади;

инсон миясида онг ва онг ости жараёнлари бир вақтда кечади. Таълим жараёнида шахс ниҳоятда катта маълумот олади. Чунки ўқитиш жараёнида талабага ўқитувчи бераётган маълумотдан ташқари, ички (аввалги тажриба, эмоционал ҳолат, мотивация даражаси, талабанинг индивидуал хусусиятлари ва хоказо) ва ташқи (гуруҳдаги умумий атмосфера, хонадаги ва ташқаридан эшитилиши мумкин бўлган товушлар, хонанинг ёритилганлиги ва хоказо) омиллар таъсир кўрсатади;

талабаларнинг хотирасида мия камида икки – визуал-макон ва ёдлаб олиш тизимларини фаоллаштиради. Хотиранинг визуал-макон тизими талаба мияси фаолияти учун бирмунча табиий бўлиб, берилаётган маълумотни

чуқур англашга, шахсда билиш фаоллигини намоён бўлишига, ижодий изланишни шаклланишига ёрдам беради. Ёдлаб олиш тизими эса нисбатан “сунъий” бўлиб, талабадан кўп меҳнат талаб қилади. Ёдлаб олинган маълумотларни хақиқий билимга айланиш эҳтимоли жуда кам. Чунки бу маълумотлар инсон хотирасида тизимсиз ва хаотик тарзда жойлашган бўлади;

мианинг ривожланиши эркин ижодий фаолиятда тезлашади ва ташқи таъйик, мажбур қилиш ҳолларида секинлашади. Айрим ҳолларда ўқитувчининг интизомга нисбатан хаддан ташқари талабчанлиги талабалардаги ижодий фаолликни ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шундай қилиб, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш учун педагогика, психология, физиология, кибернетика, инглиз тилини ўқитиш методикасига оид концептуал ғояларга таяниш, улардаги асосий тамойилларни билиш зарур бўлади. Талабаларнинг таълим фаолиятларида маълумотларни қабул қилиш даражаси, мия фаолиятининг ишлаш тезлиги, у ёки бу хотира тизимининг устунлиги ва тафаккур жараёнларининг бориши турлича эканлигида намоён бўлади. Шу сабабли ҳар бир талабанинг аудитив нутқини ривожлантириш. тилни тушуниш ва тафаккур қилиш жараёни бир биридан фарқ қилади. Ўқитувчиларнинг асосий вазифаси – ҳар бир талабадаги шу бетакрорликни сақлаб қолиш ва янада ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, таълим жараёнида бош мия ярим шарларининг синхронизациясини ривожлантириш зарур. Нутқ фаолияти турларини ривожлантиришда видеокомпьютерли ўқитиш технологияси - талабаларнинг фаол билиш, билим орттириш жараёнларини рағбатлантирувчи технологиядир. Бу технология ўқув ахборотларининг вербал ва тасаввурли шаклларини биргаликда намоён этиш, ўқитиш жараёнини мақсадларга мослаштириш имконини беради. Жамоа аъзолари компьютер билан индивидуал ўқитилганда машғулотларда коммуникатив фаолият кўрсата олмайди, бундан ташқари, муаммоли ўқитиш заминидagi эвристик аспект йўққа чиқади..

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш учун ўқитишнинг видеокомпьютерли моделини очик тизим сифатида қараб, унга ўқитишнинг бошқа анъанавий воситаларини қўшиш мумкин. Албатта, ҳар бир алоҳида ҳолда вербал-визуал ва тасвирли ахборотнинг салмоғи ўзгариши мумкин. Буларнинг барчаси компьютерли ва видеотехнологиялар тасвирлаш воситаларининг мазмуни ва хусусиятларига ва мазкур мавзунини ўрганишда эришиш лозим бўлган дидактик мақсадларга боғлиқ.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришда таълим тизимида асосан тўрт йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тил ўрганишнинг объекти сифатида;
- ўқитишнинг техник воситалари сифатида;
- таълимни бошқаришда;
- илмий-педагогик изланишда.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришда компьютерли ўқитишнинг афзалликлари жуда кўп: жамоа аъзоларида маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқаради; машқ қилинадиган топшириқлар сони ошади; жамоа аъзоларининг ишлаш суръати жадаллашади; компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида жамоа аъзолари таълим субъектига айланади; жамоа аъзолари кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намоёиш қилиш имконияти ҳосил бўлади; коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда машғулотни узоқдаги манбалар билан таъминлаш имконияти ҳосил бўлади; компьютер билан мулоқот дидактик ўйин характерини олади ва бу билан жамоа аъзоларида ўқув фаолиятига мотивация кучаяди ва ҳоказо.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришда компьютерли таълим жамоа аъзолари ва

компьютер орасидаги муносабатларга кўра ташкил этилади, бошқарилади, назорат қилинади.

Инглиз тилида тинглаб тушунишда мультимедиали ўқитиш чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар орқали амалга оширилади. Бунда инглиз тилидаги ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурсларига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Интернет хизматлари орқали GPRS ёрдамида талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ўстириш мумкин. Бунда модулятор ёки демодулятордан ҳам фойдаланиш қўл келади. Ушбу қурилманинг асосий вазифаси компьютердан олинган рақамли сигнални узатиш учун аналог шаклига айлантириш ва қабул қилинган сигнални аналог шаклдан рақамли шаклга қайтариш ҳамда алоқа каналлари бўйлаб узатишдан иборат. Модем ёрдамида веб-матнларни ўқиш, электрон почта, файл узатиш ва қабул қилиш, инглиз тилида мулоқотда бўлиш матнларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизматини кўрсатиш мумкин. Интернет тармоғида инглиз тилида талабалар ўзаро ахборотларни алмашиш, масофавий таълим олиш, конференциялар ўтказиш, веб-сайтларни ташкил этиш, электрон почтани жорий қилиш, мулоқот ўрнатиш ва шу каби мақсадларда фойдаланишади.

Демак, инглиз тилида тинглаб тушунишда ахборот-коммуникация хизматлари, Интернет аҳамияти катта. Мультимедиа, аудиовизуал билим бериш орқали талабалар инглиз тилидаги сўзларни талаффуз қилишга ўрганадилар, уларда тўғри сўзлаш, оҳангларни тўғри тинглаш имконияти яратилади.

Ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ўтказилган машғулотлар талабаларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Шунингдек,

янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолаш, зарур қарорлар қабул қилиш, мустақил ва эркин фикрлашга замин яратилади.

Айниқса, ўқув жараёнида замонавий ўқитиш методлари-интерфаол услублар, инновацион технологиялардан фойдаланиш талабаларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Интерактивлик (инглизча *interaktion* –ўзаро, “*act*” – ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади.

Интерфаол машқлар орқали ўқитувчи машғулот мақсадларига эришади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга, яъни:

- талабанинг машғулот давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;

- талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;

- талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;

- педагог ва талабаларнинг ҳамкорлигидаги фаолиятини доимий равишда ташкил этиш ва ҳ.к.

Талабаларда аудитив нутқни ривожлантиришда интерактив машқларни қуйидагича туркумлаш мумкин(-жадвал):

2.1-жадвал.

Талабаларда аудитив нутқни ривожлантиришда интерактив машқлар классификацияси

Машқ турлари	Машқ тавсифи	Машқ мақсади	Машқ вазифалари
Тақлидий машқлар	Турли вазиятлар инглиз тилида тақлид қилинади. Имитацион ўйинлар сценарияси, ҳодиса сюжетида ташқари, тақлид қилинадиган жараён ва объектлар таркиби ва аҳамияти ҳақидаги тафсилотларни ўз ичига олади.	Гуруҳ (талаба)ни инглиз тилида мулоқотга тайёрлаш; -ролларни тақсимлаш, -ўйин регламентини ўрнатиш	Матнларда сўз туркумларининг қўлланишини ўрганиш; Информативлик, аниқлик, қисқалик функцияларидан келиб чиқиш
Амаллий машқлар	Маълум ўзига хос аммаларни бажариш; усулларни ўзлаштиришга ёрдам беради	Инглиз тилида муаммо ва вазиятни вужудга келтириш; -ўйин регламентини ўрнатиш	Машғулотнинг бош мақсадини ифодалаш
Ролли интерактив машқлар	Инглиз тилида маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий	инглиз тилида муаммо ва вазиятни вужудга келтириш;	Тегишли иш жараёни, уларни бажариш шарт-шароитини моделлаштириш

	ҳолатлари, хатти-ҳаракати ишланади, роллар мажбурий мазмуни билан тақсимланади	роллари тақсимлаш,	
Ишбилармонлик театри	қандайдир бир вазиятни инглиз тилида сўзлаб бериш, вазиятнинг тафсилоти, иштирок этувчиларнинг вазифа ва мажбуриятларини, мақсадлари кўрсатилган сценарий тузилади. Бу ерда, маълум шахснинг ҳақиқий қиёфасига кириб бориш, унинг хатти-ҳаракатларини англаш, вазиятни баҳолаш ва тўғри хатти-ҳаракатни танлаш, муҳим ҳисобланади	Ўйин регламентини ўрнатиш; Материаллар, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тўпламини тарқатиш; -	маслаҳатлар бериш

Жадвалда ифодаланганидек, интерфаол машқлар турли социал-психологик масалаларни ечиш билан бирга талабаларда аудитив нутқни ривожлантиришга хизмат қилади. Бунда талабалар жамоадаги вазиятни ҳис қила олиш, бошқа таълим субъектининг руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш ва

уни ўзгартира олиш, у билан унумли мулоқотга кира олиш кўникмасига эга бўладилар.

Инглиз тили машғулотларида интерактив ахборотли машқлар: ўқув мақсади; ўйин вазифаси, ўрганиладиган муаммо тафсилоти; вазиятнинг тафсилоти ва иштирок этувчиларнинг тавсифидан иборат. Инглиз тилида ўйинга киришиш қуйидагиларни англатади:

- гуруҳни инглиз тилида мулоқотга тайёрлаш;
- машғулотларнинг бош мақсадини ифодалаш;
- инглиз тилида муаммо ва вазиятни вужудга келтириш;
- ролларни тақсимлаш,
- ўйин регламентини ўрнатиш;
- материаллар, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тўпламини тарқатиш;
- маслаҳатлар бериш.

Гуруҳдаги иш мазмунига кўра – ғояларни яратувчи ва узатувчи ишлаб чиқувчи, тақлидчи, ташхисчи, зукко, хулоса қилувчиларга ажратиш мумкин. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг ташкилий вазиятларига кўра – ташкилотчи, мувофиқлаштирувчи, йиғувчи, назоратчи, мураббий, бошқарувчи қилиб тайинланиши мумкин. Янгиликка нисбатан муносабатига кўра – ташаббускор, эҳтиёткор танқидчи, янгиликка қаршилик кўрсатувчи (консерватор) сифатида фаолият олиб бориш; услубшунослик ҳолатига кўра – услубшунос танқидчи, услубчи, муаммочи, дастурчи; ижтимоий-психологик ҳолатига кўра – етакчи, ҳурмат қилинувчи, қабул қилинувчи, мустақил, қабул қилинадиган, рад этилувчи кабилар.

Ўқув матнларида қўлланган сўз туркумлари инглиз тили публицистик услубининг ахборот етказиш ва ҳодисаларга баҳо бериш каби вазифаларини рўёбга чиқаришда асосий ўринни эгаллашига оид масалаларни ёритишга имкон берди; матнларда қўлланган этнонимларнинг лингвистик хусусиятлари ўрганилди. Инглиз тилидаги матнларда грамматик тузилиш, мазмун, услуби ва лексикаси ўрганилади. Олинган натижалар инглиз

тилидаги лексик-грамматик воситаларни маълум вазиятга мослаб тўғри қўллаш олиш учун имкон яратади.

Шу билан бирга, чет тиллари ўқитувчиларини касбий фаолиятини SMART технологиялари асосида ташкил қилиш, уларнинг коммуникативлик ва очиқлик сифатларини ривожлантириш, касбий жамоада, ижтимоий ҳаёт жабҳаларидаги фаолияти натижаларини аниқ мақсадга йўналтириш (specific), ўлчовли (measurable), мақбул (accepted), ҳақиқий (realistic), чекланган вақт оралиғида тил ўрганишларини таъминлаш (time-dependent)га алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу эса, бўлажак инглиз тили бўйича мутахассислари учун жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва ахборот захираларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Талабаларда аудитив нутқни ривожлантиришда инглиз тилида сўз яшаш минимумига ҳам эътиборни қаратиш лозим.

Талаба янги нутқий шаклларда ўрганилаётган сўз яшаш моделлар бўйича ясалган мураккаб сўз ва нотаниш ясама сўзларнинг маъноларини мустақил аниқлай олиши лозим. Қуйидаги сўз яшаш моделларини такрорлаш орқали талабаларнинг янги сўзларни ўзлаштиришларига мисоллар келтириш мумкин: v+er=n. двигател белгиси Fto design - лойиҳалаш -designer - лойиҳачи: adj+ness=n (hard - қаттиқ - hardness -қаттиқлик); v+ing=n (to vom - оғоҳлантирмоқ. varning-огоҳлантириш: *riXfiil=adf* (power - куч. powerful - бақувват); adj+ ish=adj (damp – нам, dampish - намчил) adj1+ly=adv (firm - қаттиқ - Firmly - қаттиқ): un+adj= adj (important - муҳим. unimportant - номуҳим).

Олдин талабалар ўрганган қуйидаги сўз яшаш моделлари орқали улар нутқини ривожлантириш ва лексиконини бойитиш мумкин: V+er=n тузилишидаги ишлаб чиқариш қуроли, асбоб, қурилма ва х.к. ни билдиради (to heat-иситиш - heater - иситгич): v+able=adj (to drink-ичмоқ-drinkable - ичиладиган): adj-ire=v circual - думалоқ, circulire - думалоқлаш. adj+en=v (fast-қаттиқ-to fasten-қаттиқланиш); dis+v=v (to approve - маъқуллаш - to

disapprove- мақулламастик): n+n=n \ a steam pipe-буғ қувириғ: конверсия буйича мослаштирилган ва рус тилида мунтазам тузилиш - семантик мосликка эга феъллар.

Талаба қуйидаги сўз ясаш моделларини билиши ва улар асосида нотаниш ясама сўзларнинг қонуний маъносини мустақил англай олишини инобатга олсак: adj - ity 11 (acid-нордон - acidity - нордонлик): v+ment= n (to treat - ишлов бермоқ - treatment - ишлов); (grain - дон - grainy - донли): n+ ed= adj (motor - мотор -motored - мотор қўйилган); n+al = adj coast veper - coastal- кирғоққа тегишли: v+ent=adj\to differ-фарқламоқ -different фарқли \: adj+ify=v - humid - намли - to humidify -намламоқ (n+ate=v (fraction - фракция to fractinate – моддани алохида фракцияларга бўлмоқ n+ ize \ (rubber-резина to tubberize - резиналаш): d+v=v (to clutch - уламоқ: to declutch -узмоқ |; re+v= v (to colour - буямоқ – to recolour - янги рангга бўямоқ): over -v =v (to heat - иситмоқ - to overheat – қайта иситмоқ); en+adj= v -large - катта to enlarge - катталаштирмоқ; en+n-v (circle - доира – to encircle - доирага олмоқ; n+n=v (a boiler - room қозонхона): a'dj+n=n (a loud - speaker - овозни баландлатувчи мосламалар); adj+adj-adj dark-blue- зангори; n-adj-adj (heat-stable-иссиқликка чидамли: рус тилида мунтазам структурали семантик мосликка эга бўлмаган феъл ва отлар конверцияси.

Инглиз тилидаги мантнни ўзлаштиришда талабаларда креативлик компетенцияларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. П.Торренс фикрича, креативлик: муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва камрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив

сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ.

Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилия тушунилади.



Демак, талабаларнинг умумий, академик ва касбга йўналтирилган тил кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган. Хорижий тилни ўрганишнинг мустақил мулоқот (B2) даражаси талабаларда кўпроқ академик ва касбга йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантиришни тақозо этади.

2.2-§. Талабаларнинг келгусидаги касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш механизмлари

Инглиз тилидан касбий аудитив нутқни ўстиришдаа электрон таълим ресурслари, замонавий рақамли электрон қурилмалар, интерактив дастурий

воситалардан самарали фойдаланиш, шунингдек, компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг коммуникативлигини ўстириш, креатив ижодий қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё ҳамжамияти таълим тизимини барқарор тарракқиёт тенденцияларига мослаштириш шароитида инглиз тилини ўқитишнинг интерактив таълим стратегиялари ва механизмларини замонавий ривожланиш тамойиллари асосида янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар келажакда янги фан йўналишларининг ҳосил бўлишида, мавжуд таълимий жараёнларни ахборотлашган таълим муҳити билан интеграциялашнинг педагогик-психологик муаммоларини ечишда алоҳида долзарблик касб этади.

Ҳар қандай механизм объект ўзгаришига олиб келувчи жараённи ҳосил қилади. Демак, бу жараён узоқ муддатли, кўп хусусиятлилик тавсифига эга бўлиб, таркибий тузилишига кўра, бир тузилма иккинчисини тўлдиради. Объектнинг ўзгаришига таъсир этувчи муқобилларни ҳаракатга келтирувчи механизм ўзи ўзгармасдан яхлит жараённи ўзгартириши, муайян тизимга янгилик киритиши мумкин[31]. Демак, инглиз тили машғулотларида талабаларнинг касбий аудитив кўникмаларини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш таълим субъектларининг сифатли таълим олишига таъсир этувчи муқобилларни ҳаракатга келтирувчи механизм сифатида қаралади.

Мамлакатимиз ОТМларида ахборотлашган таълим муҳитини яратиш, ўқув фанларига мўлжалланган мультимедиали иловаларни кенг жорий этиш ва янги авлод ўқув-методик адабиётлар базасини халқаро таълим стандартларига, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро дастурлари тизимига мослаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Таълимда мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёнини тизимли ташкил этиш

чораларини кўриш»¹² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса ОТМларда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларни интерактив электрон таълимий ресурслар воситасида ташкил этилишини таъминлайди.

«Ресурс» ибораси ҳозирги вақтда жуда кенг маънода ишлатиладиган атамалар сирасига кириб бормоқда. Яъни ахборот технология воситалари орасида мақбул атамасидан кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга «Таълим ресурси» атамаси ҳам ҳозирда тез-тез қўлланиладиган педагогик атама сифатида ишлатилмоқда. У ўқув жараёни давомида билим олишда фойдаланиладиган турли хил кўриниш ва шакллардаги ўқув материаллари манбаси тушунилади. Бошқача айтганда, таълим ресурси – ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборотлар манбаси сифатида ҳам тан олиш тўғривор бўлади[40].

Замонавий ахборот ёки электрон таълим ресурслари, ўрганиш, мустақил таълим олиш ва олинган билимларни текшириш учун махсус дастурлар биргаликда «Электрон таълим ресурслари»ни ташкил этади. Электрон таълим ресурслари деганда, фойдаланувчи, яъни таълим олувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автоматик ростланиш имконини берувчи, эгалланган билимни автоматик назорат қилиш тизими билан бирлашган ўқув материалларини узатиш (етказиш) тизими тушунилади.

Электрон ресурсларни таълим босқичларида фойдаланиш кўрсаткичларига қараб таснифлаш характерлидир. Электрон таълим ресурслари (ЭТР) таснифий босқичларига кўра анъанавий босма нашрлардан фарқ қилади. Уларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ[40]:

Биринчи гуруҳ –ЭТР бу – матнли усул бўлиб, асосий матндан фарқи – тайёрланган матн ёки иллюстрация қоғозда эмас, балки компьютер экранида намоён бўлади ва материалларни осон чоп этиш имконияти мавжудлиги билан фарқланади. Инглиз тили машғулотларида ўрганилаётган мавзу бўйича намоёиш дастурларида, тилнинг морфологик белгиларини расм, графика,

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

тасвир, анимация ҳолатида ифодалаш билан биргаликда компьютер экранида намоиш этилиши ва ундаги намоиш кадрларини зарурият туғилганда чоп этиш мумкин бўлади.

Иккинчи гуруҳ ҳам матн мазмунидаги материал бўлиб, кўрсаткичли йўналиш асосида электрон таълимий ресурс (ЭТР) ҳисобланади. Бу усулда матнли асосли ва мазмунли бўлиши учун адабиётларга қилинган ҳаволалардан фойдаланиш ҳар доим ҳам қулай фойдаланиш имкониятини яратмайди. Лекин шундай бўлса ҳам, Инглиз тили машғулотларида тилнинг фонетик, морфологик, семантик белгиларини ўрганиш, хилма-хиллиги, оилалари, туркум ва турларининг морфологик белгиси билан боғлиқ маълумотларни ЭТР ларида жамлаш муҳимдир. Илмий манбалар, дарслик, методик қўлланмалардан берилган ҳаволалар билан бойитилган электрон таълим ресурси талабаларга мавзуга оид ўқув материали мазмунидаги БКМ ўзлаштириши, таянч ва фанга оид компетенцияларни эгаллашига ёрдам беради.

ЭТР нинг учинчи гуруҳи – ресурс тўлиқ визуал ва овозли фрагментлардан ташкил топади. Бунда юқорида таъкидланган матнли ресурслардан тасвир эффектлари мавжудлиги билан фарқ қилади. Бу ҳолатда Инглиз тили машғулотлари учун тасвирлар, графика, расмлар жамланмаси талабаларнинг ўрганилаётган ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш имконини беради. Мазкур жараёнда матн билан биргаликда аудио-видео материалларни мўжассам ташкил этиш мультимедиа ресурсларини яратиш имкониятини беради. Бу гуруҳга мансуб ЭТРи воситасида овозли, ҳаракатли, расмли жамланмани талабаларга етказиш имконияти вужудга келади. Унда мавзу бўйича мазмунан қизиқарли ва кўп маълумотларни беришга имконият яратилади.

Талабаларда касбий аудитив кўникмаларини ривожлантиришда рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш ҳам катта самара беради.

Рақамли таълим ресурслари -замонавий техник воситалар бўлиб, улар талабаларнинг билимларини яхшилаш ва сифатини оширишга мўлжалланган.

Ушбу манбаларни ўқув жараёнига киритиш талабаларнинг ижобий ўрганиш мотивациясини шакллантиради, ижодий билиш фаолиятини, мустақил таълимга бўлган эҳтиёжини рағбатлантиради[31].

Биз тадқиқот доирасида (2018-2019 йй.) 1-босқич талабаларининг 1-2 ўқув семестрларида касбий аудитив кўникмаларини ривожлантиришда ахборот (электрон) таълимий ресурслар мазмунига турли интерфаол методларни киритишга муяссар бўлдик. Улардан айримларини кўриб чиқамиз:

Тинглаб эшитиш учун топшириқларни бажарасиз. Ҳар бир матн 2 мартадан тингланади. Биринчи ва иккинчи тинглашдан сўнг, сиз топшириқларни бажаришга ва текширишга вақт топасиз. Барча паузалар аудио ёзувга киритилган. Овоз ёзувини тўхтатиш ва такрорлаш таъминланмаган. Барча "Тинглаш" бўлимини тўлдиргандан сўнг, жавобларингизни жавоблар бланкаси (варағи)га ўтказинг.

1-Speaker

A oh. I don't read anything in my spare time. Why would I? I have to read so many books for my school subjects – especially for English Literature – That I just can't enjoy reading for pleasure. Perhaps after I've finished school I'll be able to sit down with a good book and really get into it, Off course, I would choose it not my teacher!

1-Спикер

Оҳ. Бўш вақтимда ҳеч нарса ўқимайман. Нега энди мен бундай қилишим керак? Мен олий таълим мавзуларига оид жуда кўп китобларни, хусусан инглиз адабиётини ўқишим керак, шунчаки ўқишдан завқланолмайман. Балки мактабдан кейин яхши китоб билан ўтириб, унга чинакамига шўнгиб олсам керак. Албатта, мен уни танлаган бўлардим, устозимни эмас!

2-Speaker

When I was a child, there was no Internet. If we needed to research a topic for homework, most students would go to the library and find books. I had an encyclopedia at home, which was very useful for a range of topics, particularly

history, geography and the sciences. When we were studying the French Revolution, all I had to do was look it up in the relevant volume.

2-Спикер

Мен талабалигимда интернет йўқ эди. Агар уй вазифаси учун мавзуни ўрганишимиз керак бўлса, кўпчилик талабалар кутубхонага бориб, китобларни қидириб топишади. Уйимда турли хил мавзуларда, айниқса тарих, география ва табиий тарихга оид жуда фойдали бўлган энциклопедик китоблар бор эди. Биз Францияда бўлиб ўтган инқилобни ўрганганимизда, унга тегишли ҳажмдаги маълумотни топишим керак эди.


3-Speaker

It is hard to keep children reading for pleasure once they arrive at secondary school. Many of them stop reading at this age. So, how can parents and teachers encourage them to pick up a good book again? One way, particularly for boys, is to find books with interesting covers that appeal to them. Another way is to find books that other teenagers have enjoyed and which they recommend.

3-Спикер

Ўрта мактабга киргандан сўнг, талабаларни ўйин-кулги учун ўқишга жалб қилиш қийин. Уларнинг кўплари бу ёшда ўқишни тўхтатадилар. Қандай қилиб ота-оналар ва ўқитувчилар уларни яна яхши китоб олишга ундашлари мумкин? Битта усул бор, айниқса ўғил болалар учун, ўзларига ёқадиган қизиқарли муқовали китобларни топишдир. Бошқа усул - бошқа ўспиринларга ёқадиган ва тавсия қиладиган китобларни топиш. Бу алфозда берилган аудиоёзувлар талабаларнинг тинглаб эшитишларига самарали таъсир кўрсатади. Талабаларда касбий аудитив кўникмаларини ривожлантиришда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш ва инглиз тилини ўқитиш самарадорлигини оширишда таълим жараёни учун қуйидаги педагогик шартлар муҳимлиги аниқланди (2.1-расм).

2.1-расм.



2.1-расм. Касбий аудитив нутқни ривожлантиришда ахборот (электрон) таълимий ресурслардан фойдаланиш.

Расмда ифодаланганидек, ўрганилаётган инглиз тилидаги матн имитацион модели аудиовизуал ҳолатда талабаларга тақдим этилса, малака талабларида белгиланган компетенцияларни эгаллашга имконият яратилади.

Шунингдек, таълим жараёнидаги коммуникативлик ҳам ўрганилаётган жараёнда талаба шахсини оператив алоқага киришиши, электрон ресурс маҳсулотларидан фойдаланиш ва қўллаш кўникмаларини осон ўзлаштири олишга йўналтирилишига олиб келади. Талабаларнинг электрон маҳсулотлардан таълим жараёнида фойдалана олишлари натижасида коммуниктив компетентлиги ҳам ривожланиб боради.

Талабаларнинг келгусидаги касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда ахборот таълимий ресурслар мазмунига сингдирилган турли электрон тарзда амалга оширилган график органайзерлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу механизмни амалга ошириш учун талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади. Гуруҳлар ўзларига инглиз тилида берилган топшириқни бажаради. Гуруҳлар муаммо юзасидан бажарган топшириқларни жамоа ҳукмига ҳавола этади. Шунингдек, талабаларнинг келгусидаги касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда “Муносабат”, “Нилуфар гули”, “Режа”, “SWOT-таҳлил”, “Т-жадвал” методларидан фойдаланиш мумкин. Мазкур методлар талабалар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади. Ўқув жараёнида ушбу методлардан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил

қилади. Ушбу методлар касбий аудитив лаёқатни ривожлантириш учун самарали бўлиб ҳисобланади. Масалан, “Нилуфар” методи ёрдамида талабаларнинг аудитив нутқини ўстириш учун уларга ЭТР негизида нилуфар гули схемаси тақдим этилади. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу схема ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади. “Режа” методи таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади. Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади. Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, тил ўрганиш йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эғалик инобатга олинади.

“Т-жадвал” таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график органайзер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

“SWOT-таҳлил” стратегияси муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Таълим олувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

Шундай қилиб, талабаларнинг келгусидаги касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун машғулотларда қўлланиладиган ахборот таълимий ресурслар мазмунига сингдирилган турли электрон тарзда амалга оширилган график органайзерлар, методлар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, инглиз тилидаги матнни тинглаб эшитиш ва уни тўғри талаффуз этишга йўналтирилган техник ёндашувдир. Шунингдек, таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жихатларини аниқлаш имкониятини яратади. Унга кўра машғулотларда талабаларда касбий аудитив лаёқат ривожлантирилади.

БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1.Фан-техника тараққиёти, рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаёт ва шахснинг кундалик турмуш тарзига таъсири инобатга олинган ҳолда талабаларда таянч ҳамда инглиз тили бўйича оид компетенцияларни ўстириш муаммоси инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шакллари такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Мазкур зарурат талабаларда касбий аудитив лаёқатини мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив босқичларда талабаларнинг ўстиришга мўлжалланган структуравий-функционал моделини такомиллаштиришга асос бўлди

2.Талабаларда Давлат таълим стандартлари билан меъёрланган билимларни шакллантириш, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш баробарида уларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш муаммоси таълим-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни жорий этишни тақоза этди, мазкур жараён фанга оид компетенцияларнинг функционал компонентларини аниқлаш, методик ва дидактик таъминотини такомиллаштириш заруратини вужудга келтирди.

3.Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш моделини татбиқ қилишдаги тўсик бўлувчи омиллар таҳлил қилинганда, куйидагилар аниқланди: а) янгиликни жорий қилиш бўйича хатти-ҳаракатларнинг сустлиги, янгида услубда ўқитиш муҳитини ташкил қилишдаги сансалорликлар; ўқитиш муҳитида таълим бериш шакллариининг эскирганлиги, хусусан унинг барча мавжуд педагогик шарт-шароитлари, таълим жараёнини бошқариш, уни ташкил қилиш, унинг ахборот-коммуникацион жиҳозланишини таъминлаш кабиларнинг ҳаммаси янги мазмунда қайта қурилмаётганлиги; б) инглиз тили ўқитувчиларининг АКТ бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг аксиологик-мотивацион, концептуал, технологик, рефлексив ва креатив даражалари, уларни ривожлантириш мазмуни ва устувор йўналишларини белгилашга эътибор сустлиги;

в) муаллифлик технологияларини жорий қилишдаги сусткашлик, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришда ўқитувчи професиограммасига оид кўрсатмалар, ўзини ўзи баҳолаш, таҳлил қилиш, рефлексия, касбий ва ижтимоий ўсиш, касбий маҳоратини такомиллаштириш усуллари, коммуникатив кўникмаларни ташхислаш имконининг талаб даражасида эмаслиги.

4. Тадқиқот даврида (2017-2020йй) талабаларни келгусидаги касбий фаолиятига тайёрлаш сифатини оширишга мўлжалланган соҳага оид ўқув режалари ва ўқув дастурлари мониторинги (педагогик жараёнга инновацион педагогик технологияларни жорий этиш бўйича барча қабул қилинган давлат ҳужжатлари ва қонунларнинг бажарилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорларининг ижроси, таълим мазмуни, ўқув блокларининг мутаносиб танланганлиги, назарий ва амалий билимларнинг мувофиқ берилаётганлиги, йўналишда инновацион мазмуннинг акс этиши, ўқитувчи ва мутахассисларнинг педагогик талабга жавоб бериши, уларнинг АКТ бўйича компетентлиги юзасидан таҳлил олиб борилди

5. Инглиз тили машғулотида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида ўқитиш шакллари: муаммоли дарс, вебинар семинар, ўқув баҳси, тажриба ва кузатиш, гуруҳли ва индивидуал мустақил ишларни қўллаш, талабаларда касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш асосида қўшимча адабиётлардан зарур маълумотларни ўзлаштириш ва мақсадли касбга йўналтириш, таълим самарадорлигини орттириш имконини берадиган «Инглиз тилини ўрганишда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш учун мустақил ўқув-иш конспекти (1-курс, 2-курс)» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди ва педагогик жараёнга тадбиқ этилди .

6. Тавсия этилган методика асосида тажриба гуруҳи тингловчилари видео ва матнли форматда ўрганилаётган муаммо бўйича асосий фикр-мулоҳаза ва фактларни аудиовизуал тақдим қила олиш малакасининг ривожланганлиги 12 (%) фоиз ошганлиги аён бўлди (видеоролик, буклет,

постер ва бошқаларни тайёрлашда нутқ элементларининг юқори даражада аудитивлигини намоён этиш). Шунингдек, тажрибада қатнашган талабаларда ўқитиш ва интерактивлик тамойилларини педагогик фаолиятда қўллаш кўрсаткичи ўрганилганда, тавсия этилган технологиялар асосида уларда ўрганилаётган муаммо бўйича асосий фикр-мулоҳаза ва фактларни методик тақдим қила олиш лаёқатининг ривожланганлиги намоён бўлди.

МАЗМУНИ ВА САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ .

3. 1-§. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов мазмуни

Бугунги кунда олий таълим тизимидаги амалдаги ахборотлашган таълим муҳитининг алоҳида компонентлари бўлган ахборот тизимлари, маълумотлар банклари, педагог ва талабаларнинг веб-сайтлари, ахборот ресурс марказлари, электрон ахборот-таълим ресурслари, виртуал лабораториялар, медиа ва видеодарслар, электрон хужжатлар алмашинув тизими, видеоконференция алоқалари, интранет тармоғидаги он-лайн танловлар тизимидаги барча иштирокчиларни фаол фойдаланувчиларга айланишига, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув-тарбия жараёнига кенг жорий этилишига хизмат қилишини инобатга олиб, тажриба-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда Низомий номидаги ТДПУ, ГулДУ, НавДПИда амалга оширилиб, жами 1614 нафар талаба ва 86 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилинди.

Тажриба-синов ишларини тизимли, изчил йўлга қўйиш учун “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Инглиз тилини ўқитиш методикаси” каби фанларнинг бу борадаги имкониятлари ўрганилди.


Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тажриба-синов ишларини ташкил этишда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларни белгилашга муваффақ бўлинди. Улар қуйидагилардан иборат:

а) суҳбат, учрашув, педагогик кузатув, анкета ва тест сўровларини ташкил этиш, интервью олиш, давра суҳбати, семинар, конференция, дебат, амалий тренинг, танлов, маъруза, кўргазма ташкил этиш, экскурсия каби шакллардан;

б) тушунтириш, ҳикоя қилиб бериш, электрон манбаларни ўрганиш, амалий машғулот, намоёниш этиш, кўргазмалилик, экскурсия, каби методлар;

в) ўқув манбалари, маълумотлар берадиган илмий, фалсафий йўналишларда яратилган асарлар, техник ва ўқув жиҳозлари, ахборотли технологиялар каби (радио, телевизор, компьютер, проектор, видео ва аудио магнитофонлар) воситалар.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган электрон таълимий ресурслардан фойдаланишни самарали ташкил этишда қуйидаги дидактик модель яратилди ва таълим жараёнига жорий этилди (3.1-расм).



3.1-расм. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган электрон таълимий ресурслардан фойдаланишнинг дидактик модели

3.1-расмда тасвирланганидек, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган электрон таълимий ресурсларнинг аҳамияти беқиёс. ОТМларда барча ўқув курслари учун мультимедиа воситалари яратилган бўлиб, айниқса, пандемия (Covid-19) шароитида ўқув жараёнини компьютерлаштирилган муҳитда ташкил этишга бўлган эътибор анча ривожланди. Ўргатувчи-дастурий воситалар ҳозирги кунда инглиз тили бўйича туркум фанларни қамраб олмоқда. Мазкур модель талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Модель асосида ташкил қилинган таълим жараёни талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга, электрон таълимий воситалардан маълум кетма-кетликда фойдаланиш имкониятини яратди.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришга йўналтирилган амалий фаолият учун объект (тажриба майдончаси) сифатида 2017-2020 йилларда Низомий номидаги ТДПУнинг “Педагогика ва психология”, “Бошланғич таълим” факультетлари, ГулДУнинг “Педагогика”, НавДПИнинг “Педагогика”, “Бошланғич таълим” факультетларида амалга оширилди. Тажриба-тадқиқотларда жами 1614 нафар талаба ва 86 нафар профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини амалга ошириш мақсадида 72 соатли (36 соат маъруза, 36 соат амалий) машғулотлар ўтилди. Педагогик фаолиятни турли хилдаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этиш талабаларда касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришга хизмат қилди.

Тадқиқот доирасида талабаларнинг касбий аудитив кўникмаларини ривожлантириш билан бирга уларда миллий тарихимизга мос бўлган материаллардан фойдаландик. Бу талабаларнинг аудитив нутқини ўстириш билан бирга тарихий интегротив холда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш ва миллий кадриятларимизни чуқур ўзлаштиришларига имкон берди.

1-аудиоёзув

An objective study of the spiritual and enlightenment heritage created by great scholars and thinkers around the world, the study of ideas in their works that glorify the permanence of the nation and society is one of the urgent tasks. The rich spiritual heritage left by great people, who lived and worked in the period of high development in the IX-XII and XIV-XV centuries, is a great contribution not only to the Eastern world, but also to world enlightenment. That is why the whole world is trying to study our country as one of the sacred places where enlightenment enlightens.

Дунё миқёсида буюк алломалар, мутафаккирлар томонидан яратилган маънавий-маърифий меросни холисона ўрганиш, уларнинг асарларидаги миллат ва жамият бардавомлилигини тараннум этувчи ғояларни тадқиқ

килиш долзарб вазифалар сирасига киради. IX–XII ва XIV–XV асрлардаги юксак тараққиёт даврида яшаб ижод қилган, буюк зотлар қолдирган бой маънавий мерос нафақат Шарқ оламида, балки жаҳон маърифатпарварлигига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади. Шу сабабли бутун дунё юртимизни маърифат зиёсини тарқатган муқаддас маконлардан бири сифатида ўрганишга ҳаракат қилади.

2-аудиоёзув

In our country, great attention is paid to the study of the life and rich creativity of thinkers. Al-Hakim al-Termizi's scientific legacy has been translated into the languages of the peoples of different countries - Europe, Asia, America, Russia.

Мамлакатимизда мутафаккирлар ҳаёти ва бой ижодини ўрганишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий мероси дунёнинг турли давлатлари – Европа, Осиё, Америка, Россия мамлакатлари халқларининг тилларига таржима қилинган бўлиб, маърифат, илмга ташналик, таълим - тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни, келажак учун мустаҳкам пойдевор бўлиши мутафаккирнинг нодир асарларида ёритилган.

3-аудиоёзув

In scientific research on the formation of consciousness and thinking of young people on the basis of enlightenment, the effective use of the enlightenment views of scientists who have made a significant contribution to the development of world science, the worldview in the process of learning, the expansion of intellectual potential.

Ўсиб келаётган ёшларнинг онгу шуурини, тафаккурини маърифат асосида шакллантириш масалаларига бағишланган илмий изланишларда жаҳон илму фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг маърифатпарварлик қарашларидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш, билим олиш жараёнида дунёқараш, интеллектуал салоҳиятни кенгайтириш амалий аҳамият касб этиб, келажакни белгилаб берувчи асосий педагогик омил сифатида баҳоланмоқда.

4-аудиоёзув

The first mystic of the land of Movarounnahr was our compatriot al-Hakim at-Termizi, the founder of the Hakimiya sect. The study of his scientific and pedagogical heritage is important. The path chosen by al-Hakim at-Termizi is the path of knowledge, the path of enlightenment, and in each of his works he emphasizes science and encourages everyone to become knowledgeable. The main idea of al-Hakim at-Termizi's works is that the person should be knowledgeable and enlightened. The light of knowledge emphasizes that this light-knowledge directs man towards the guardian of Allah.

Мовароуннаҳр заминининг илк тасаввуф -“Ҳақимия” тариқатининг асосчиси-ватандошимиз ал-Ҳақим ат-Термизийдир. Унинг илмий педагогик меросини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Ал-Ҳақим ат-Термизий танлаган йўл илм, маърифатпарварлик йўли бўлиб, ҳар бир асарда илмга алоҳида урғу беради ва ҳар бир инсонни илмли бўлишга чорлайди. Ал-Ҳақим ат-Термизий асарларининг бош ғояси-шахснинг илмли, маърифатли бўлиши. Илмни нур, шу нур-илм инсонни Аллоҳ васли томон йўналтиришини таъкидлайди.

5-аудиоёзув

Al-Hakim al-Termizi's excellent knowledge and incomparable potential have been praised by many scholars. In particular, Abdurahmon Sulami, Hujviri, Fariduddin Attar, Bahauddin Naqshband, Abdurahmon Jami, Alisher Navoi and other scholars respectfully mentioned the work of the thinker.

Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг мукамал илми ва беқиёс салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Жумладан, Абдурахмон Суламий, Ҳужвирӣ, Фаридуддин Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоӣ ва бошқа алломалар мутафаккир ижодини эҳтиром билан тилга олганлар.

6-аудиоёзув

M.E Masson, GA Pugachenkova, ZA Arshavskaya, EV Rtveldze, Z. Khakimov, Sheikh Abdugani Abdullo, IA Abdullayev studied the philosophical,

religious and pedagogical teachings of the thinker. Scientific works dedicated to the life and legacy of Al-Hakim al-Termizi have been studied by various scholars around the world throughout the twentieth century. The results of multi-volume works, dissertations, scientific articles and other research works based on the study of the scientific heritage of the scientist have been published in countries such as the USA, Germany, France, Great Britain, Russia, Turkey, Israel, Iran. Arthur John Arberry, Samer Dajoni, Abdullah Omar, Wajih Ahmad Yves Marquet, Paul Nvia and others have studied it in detail.

М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, З.А.Аршавская, Э.В.Ртвеладзе, З.Ҳакимов, Шайх Абдуғани Абдулло, И.А.Абдуллаевлар мутафаккирининг фалсафий, диний, педагогик таълимоти ўрганган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва меросига бағишланган илмий ишлар XX аср мобайнида дунёнинг турли олимлари томонидан тадқиқ этилди. АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Туркия, Исроил, Эрон каби мамлакатларда алломанинг илмий меросини ўрганиш асосида кўп жилдли асарлар, диссертациялар, илмий мақолалар ва бошқа тадқиқот ишлари натижалари эълон қилинган. Артур Жон Арберри, Самер Дажони, Абдуллох Умар, Вожиҳ Аҳмад Йвес Маркует, Паул Нвиа ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган.

Топшириқлар: 1)Матнни ўқинг ва таржима қилинг; 2)Уни янада кичик ҳажмдаги бўлақларга бўлинг; 3) Венн диаграммаси асосида таҳлил қилинг; 4) Уйга вазифа: Ўлкамиздан етишиб чиққан Реннесанс давридаги мутафаккирлардан бири бўйича аудиоёзув яратишга ҳаракат қилинг.

Тадқиқот доирасида талабаларнинг касбий аудитив кўникмаларини ривожлантириш учун аудиоёзув эшитиб, тинглангандан сўнг қуйидаги метод ва ўқитиш органайзерларидан фойдаланилди:

“ВЕНН ДИАГРАММАСИ”

Талабаларда мамлакатимизда мутафаккирлар ҳаёти ва бой ижодини ўрганиш масалалари алоҳида қизиқиш уйғотганлиги, айниқса инглиз тилида улар ҳаёти ва айжодини ўрганиш учун Венн диаграммасидан фойдаланиш

самарали натижаларни берди. Ушбу органайзерни қўллаш натижасида талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилди. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилди. График органайзер қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилди:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланишида янада самаралидир.

Талабаларнинг касбий аудитив кўникмаларини ривожлантириш учун аудиоёзув эшитиб, тинглангандан сўнг “Кейс-стади” технологиясидан фойдаланилди.

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

1-Keys.(1-Кейс). Explain the specific and general similarities and differences in the life and work of thinkers such as Abu Ali ibn Sina, Abu Rayhan Beruni, Al Hakim at Termizi (Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал Ҳаким ат Термизийн каби мутафаккирлар ҳаёти ва ижодига оид хусусий ва умумий ўхшашлик ва фарқларни ёритиб беринг).

General aspects (Умумий жиҳатлар)	Special aspects (Хусусий жиҳатлар)
<p>1. Abu Ali ibn Sina, Abu Rayhan Beruni, Al Hakim at-Termizi - thinkers Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал Ҳаким ат Термизий – мутафаккирлар</p>	<p>Abu Ali ibn Sina, Abu Rayhan Beruni - encyclopedic scholars who lived and worked in the X century Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний- X асрда яшаб ижод этишган, қомусий олимлар. Representatives of the Eastern Renaissance (1st Renaissance) Шарқ Уйғониш даври (1-Реннесанс)нинг намоёндалари</p>
<p>The life and work of the thinkers have been studied in the United States, Germany, France, Great Britain, Russia, Turkey, Israel, Iran, and on this basis, the results of multi-volume works, dissertations, scientific articles and other research have been published. Мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Туркия, Исроил, Эрон каби мамлакатларда ўрганилган ва шу асосда кўп жилдли асарлар, диссертациялар, илмий мақолалар ва</p>	<p>Al Hakim at-Tirmidhi was the founder of the first mysticism, the Hakimiya sect A representative of the Eastern Renaissance (2nd Renaissance) Ал Ҳаким ат Термизий илк тасаввуф -“Ҳакимия” тариқатининг асосчиси Шарқ Уйғониш даври (2-Реннесанс)нинг намоёндаси</p>

бошқа тадқиқот ишлари натижалари эълон қилинган.	
---	--

Ушбу технология асосида АКТ таълимий ресурслари негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Инглиз тилида тақдим этилган материал асосида талабалар инглиз тилида Шарқ Уйғониш даври (Реннесанс)нинг намоёндалари билан танишиш, матнни тинглаб, тушуниш, саволларга жавоб бериш, матнда келтирилган маълумотларни таҳлил қилишга ўргандилар.

Инглиз тилини (B2 даражада ўрганиш учун мўлжалланган аудитив машғулотларда аудиотасмага ёзилган саволлар ва уларга жавоблар тарикасида ташкил топди. Тинглаш жараёнида саволда қуйилган мазмунни илғаб олиш учун уни бир неча бор такрорий эшитиш мумкин. Матн, ёки диалог тинглангандан сўнг, уни янада тўлиқ ўзлаштириш ва ўз жавобларини текшириб кўриш учун тасмага тўғри жавоб берилган ёзув жойлаштирилган. Бунинг учун талаба “Матн (диалог)ни (Show Conversation Dialog) кўриш тугмасига босади ва унинг матнли ёзувини экранда кўра олади. Саволларга жавоб беришдан олдин, матнни очиш тавсия этилмайди. Тажрибавий машғулотларда 1-босқич талабалари учун аудиториядан ташқари машғулотларда “концептуал жадвал” асосидаги “Аз Замахшарий таълимоти” электрон таълимий ресурси тақдим этилди.

Электрон таълимий ресурсда Аз Замахшарийнинг педагогик таълимоти ҳақидаги асосий матн, саволлар ва топшириқлар, шунингдек, уни бажаришга мўлжалланган Концептуал жадвал тавсифи келтирилди. Ушбу тажрибавий машғулот фрагментларини келтириб ўтамыз:

ЭТРнинг 1-қисми. Матн: “The teachings of Az Zamakhshari ” (“Аз Замахшарий таълимоти”)

Мақсад: Аз Замахшарийнинг педагогик таълимоти ҳақида инглиз тилидаги маълумотни идрок қилиш, унинг асосида аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш; Талабаларда нутқий компетенцияларни ва аудитив

нутқни ривожлантириш; Маънавий меросимиздан фахрланиш хисларини шакллантириш.

1- Топшириқ: Матнни тингланг. Унда келтирилган ахборотни идрок этинг.

1. The famous scholar Abul-Qasim Mahmud ibn az-Zamakhshari (1075-1143), who was born and raised in Khorezm, commented on the teaching profession and its complex and honorable aspects in his treatise "Delicate Phrases": respect - attention declined. In the past, the possessors of knowledge used to receive gold gifts from kings equal to their weight, but over time, their value decreased, and dogs and cats became superior to them, that is, ignorant people outnumbered gold. has become a rarity.

2- Топшириқ: Матнни тингланг. Уни тушунишга ҳаракат қилинг.

Az Zamakhshari encourages young people to study science, saying that teaching is a very honorable profession.

Az Zamakhshari's pamphlet "Delicate Phrases" contains a number of professional and ethical requirements for the teacher and the student of science, the etiquette of communication between them. These include:

- choosing the most important among the subjects to learn: taking into account what children are interested in, what they want to learn, and what they will need in the future life;

- First of all, choose the sciences about the ways of knowing Allah;

- When choosing a teacher, first of all, focus on the most noble and experienced;

- Everyone strives for contentment, patience, attention to the repetition of knowledge;

- The student is fully satisfied with the subject and profession he is learning from the teacher.

3- Топшириқ: Матнни тингланг. Унда келтирилган ахборотни идрок этинг. Саволларга жавоб беринг.

Az-Zamahshari's "Asos al-baloga" ("Fundamentals of Oratory" or "Fundamentals of Speech"), "Samim al-arabiya" ("The essence of the Arabic language"), "Faiq al-lug'at" ("The Best Dictionaries"), "Muhojotu annahviya" ("Grammar Rules"), "Muqaddamat al-adab" ("Introduction to Fine Literature"), the eloquence of language and the use of words in their proper place thinking about speaking according to the rule.

Al-Zamahshari said that language is both an enhancer and a detractor of human dignity. "If you do not restrain your tongue, you will give your reins to the devil. The brilliance of the sword of the tongue is its right word. So use only the right words. Just as the Yemenis keep their swords in their sheaths, so do you protect the sword of your tongue from the error of lying. The brilliance of the sword is corroded. Lying is worse for the tongue than rust.

When you lie, speak the truth, even where your tongue brings you wealth. Better a poor horse than no horse at all. " The thinker also noted that the culture of speech, the eloquence of language, that is, the beauty of speech is a means of politeness for a person, if you say, it will go without measure.

ЭТРнинг 2-қисми. Эшитиб, тингланган матндаги мураккаб сўзларни, ибораларни аниқланг.

...encouraging young people, a detractor of human dignity, the brilliance of the sword of the tongue is its right word...

ЭТРнинг 3-қисми. Саволларга жавоб беринг:

1. What did you learn about Az Zamakhshari?

2. What do Az Zamakhshari's book "Delicate Phrases" say about a teacher and a student of science?

3. Why does Az-Zamahshari say that language is both an enhancer and a detractor of human dignity?

4. What are the views of Az Zamakhshari in encouraging young people to study science?

5. What did Az Zamakhshari say about the teaching profession?

6. Do you agree with Az Zamakhshari's opinion that "everyone should strive for contentment, patience, kindness, and attention to the repetition of knowledge"?

ЭТРнинг 4-қисми. Концептуал жадвал асосида ўрганилаётган мавзуни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққосланг.

Концептуал жадвал таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Талабаларда аудитив нутқни ривожлантириш, таянч ва фанга оид компетенцияларни ўстиришнинг асосий шартларидан бири аудиториядан ташқари фаолиятни қўллаш ҳисобланади. Талабаларнинг инглиз тилидан аудиториядан ташқари фаолияти ўқув ишларининг давоми сифатида талабаларнинг системали таълим олишларига, уларда ижодий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли компонентидир. Аудиториядан ташқари ишларнинг шакли сифатида талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятининг мазмун-моҳияти кенг қамровлидир.

Талабаларда аудитив нутқни ривожлантириш учун ЭТР улар фаолиятини қуйидаги босқичларда олиб боришга қаратилиши керак: ўрганилаётган мавзуни танлаш, уни қайта кўриб чиқиш, зарур ҳолларда мустаҳкамлаш ва мақсадларни белгилаш; нутқ ўстириш ҳолатини режалаштириш ва методларини белгилаш; аудитив нутқни ривожлантиришдан кутилаётган натижани муҳокама қилиш ва баҳолаш. Биз тадқиқот даврида талабаларнинг касбий аудитив нутқини ривожлантиришга мўлжалланган мустақил ўқув иш дафтарининг концептуал моделини ишлаб

чиқдик ва тажриба-тадқиқотда қатнашган 1-2-курс “Инглиз тили ва адабиёти” таълим йўналиши талабаларига тақдим этдик.

ТАЛАБАНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАН МУСТАҚИЛ ЎҚУВ-ИШ КОНСПЕКТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИ

Талабанинг билим даражасига қўйиладиган малака талаблари

Таянч компетенциялар

Фанга оид компетенциялар

Аудиториядаги таълим

Аудиториядан ташқари таълим

АРМдаги мустақил таълим


Таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган ЭТР топшириқлари тизими

Дидактик функциялари

Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, тўлдириш, янгилаш, ижодий фаолият тажрибаларини эгаллаш, коррекциялаш, назорат, ўз-ўзини назорат функцияси

Мураккаблик даражалари

Репродуктив, продуктив, қисман изланишли, креатив



Билимларни таниш, одатий вазиятларда қўллаш

Билимларни янги, кутилмаган вазиятларда қўллаш

Ўз билимини назорат қилиш ва баҳолаш орқали талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш



Талабаларнинг касбий аудитив нутқининг ривожланганлик даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, зарур бўлса коррекциялаш

Ўз билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Билимларни таниш, одатий вазиятларда қўллаш

Билимларни янги, кутилмаган вазиятларда қўллаш

Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш

Таълим жараёнидан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш

Модель бўйича талабаларнинг касбий аудитив нутқини электрон таълимий ресурслар асосида ривожлантириш учун қуйидаги электрон топшириқлар мажмуидан иборат турларини таклиф этиш мумкин: тезкор (экспресс) нутқ ривожлантириш; инглиз адабиётига оид назм ва наср асосида нутқ ўстириш; эшитиб, тинглаш асосидаги нутқни ривожлантириш; мультимедиали иловалар асосида нутқни ривожлантириш. Масалан, талабанинг Инглиз тилидан мустақил ўқув-иш конспектида қуйидаги топшириқлар акс эттирилган:

I. "Computer puzzles" for students

1. There was no such smart friend in our district for students before. Now in every home, at every table, he will serve you and me as a helper. What is this? **(computer).**

2. Pastic, steel, glass device, which houses the processor, RAM, floppy disks. What's his name? **(structural block).**

3. Insert the disk, now it works ... **(floppy disk).**

4. If he doesn't have such twin friends around him, he keeps quiet. But the computer talks, sings and plays with him. What are the names of these twins? **(columns).**

II. "Нутқ кошонаси оролига саёҳат" mavzusidagi intellektual o'yin

Мақсадлар: Талабаларда аудитив нутқни ўстириш; лингвистик компетенцияларни ривожлантириш; социолингвистик компетенцияларни ўстириш; инглиз тилида тақдим қилинган матн асосида мантиқий масалаларни ечиш қобилиятини мустаҳкамлаш ва б. (Илова). **Ускуналар:** Мантиқий ороллар харитаси (доскада). Кема шаклидаги маршрут варақлари. Столларда(оролларда) орол номи ёзилган планшетлар, топшириқлар ёзилган варақлар, жетонлар: 3б, 4б, 5б, елим, ва ёзиш учун варақлар мавжуд. Шунингдек, талабанинг инглиз тилидан мустақил ўқув-иш конспектида ахборот ресурсларига мурожаатлар ҳам берилган:

Ю онлайн ўйини yandex.ru

Ю онлайн ўйини lp.advantshop.net

Талабаларнинг касбий аудитив нутқини электрон таълимий ресурслар асосида ривожлантириш методикаси уларда коммуникатив, нутқий компетенцияларни ривожлантириш мазмуни, усуллари, педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришдан иборат бўлиб, тажриба-синов ишлари махсус дастур асосида олиб борилганлиги, сифат даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги ва олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили орқали унинг самарадорлиги таъминланди.

Шундай қилиб, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантиришга йўналтирилган технология самарали эканлиги тажриба-тадқиқотлар мобайнида ўз тасдиғини топди. Талабаларнинг мазкур технология асосида ўқитиш натижасида уларда мавзулар юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилияти шакллантирилди. ЭТРни қўллаш натижасида талабаларнинг касбий аудитив лаёқати ривожланди ҳамда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланди.

3.2-§. Тажриба-синов натижаларининг самарадорлиги ва математик-статистик таҳлили

Тажриба-синов ишларининг асосий фарази — талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш технологиясини такомилга хизмат қилади ва инглиз тилини ўқитиш сифати кўрсаткичлар тизими талаблари асосида киритилган янгиликлар таълим самарадорлигини таъминлайди. Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш асосида уларда фанга оид компетенцияларнинг ўсганлик даражасини диагностика қилиш учун «Инглиз тилини ўрганишда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш мустақил ўқув-иш конспекти (1-курс, 2-курс)» ўқув қўлланмасида берилган топшириқлардан, фанга оид

компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган аудиоёзув топшириқлари, муаммоли топшириқлардан фойдаланилди.

Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражалари ва уларни ташхислаш мезонларига мувофиқ топшириқлар учун даражалар белгиланди: ифодали ўқишга мўлжалланган репродуктив характердаги топшириқлар; аудио даража характердаги электрон топшириқ; мультимедиали қисман-изланувчанлик даражаси характердаги электрон топшириқ; мустақил нутқ ўстириш даражадаги характердаги топшириқ.

Тизимли ўзгаришлар босқичма-босқич, узлуксиз тарзда жорий этиб борилганлиги боис тажриба-синов ишларининг асосий вазифаси – талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш, деб белгиланди.

Тажриба-синов жараёнида қатнашган 1614 нафар талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражалари сифат кўрсаткичларига асосан математик-статистик метод ёрдамида қайта таҳлил қилиниб, юқори, ўрта ва қуйи даражаларга ажратилди (2-жадвал).

3.1-жадвал

Тажриба-синовда қатнашган талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражалари кўрсаткичлари.

Тажриба синов ўтказилган вақт	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба бошида	Тажриба	807	166	307	234
	Назорат	807	235	168	304
Тажриба охирида	Тажриба	807	304	334	69
	Назорат	807	275	178	254

Олинган натижаларга асосланган ҳолда, талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг

ривожланганлик даражалари математик-статистик метод ёрдамида таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стюдентнинг танланма мезони, мазкур мезон асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди (3.1-жадвал).

3.2-жадвал

Стюдентнинг танланма мезони, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлар асосида талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражалари таҳлили.


\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
35	13	43	4931	1,610	1,873	4	608	15,99	0,074	0,078

Тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткич натижаларидан Нейман ғояси асосида ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

Тажрибадан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва талабалар сонини мос равишда X_i, n_i лар ва шу каби тажрибадан олдингисини эса Y_j, m_j лар асосида белгилаб олиниб, қуйдаги статистик гуруҳларга ажратилган вариацион қаторларга эга бўламиз. Ўзлаштириш кўрсаткичларини юқори 3 балл, ўрта 2 балл ва қуйи 1 балл билан белгиланди.

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



3.2-расм. Талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражалари диаграммада ифодаланиши.

Статистик таҳлилни тажрибадан олдинги ва кейинги натижалар бўйича ўртача ўзлаштиришларни ҳисоблашни қиёслашдан бошлаймиз. Натижада ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагиларни беради:


$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} p_i X_i = 0,45 \cdot 3 + 0,45 \cdot 2 + 0,10 \cdot 1 = 1,35 + 0,9 + 0,1 = 2,35$$

$$\bar{X}\% = \frac{2,35}{3} \cdot 100\% = 78,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,32 \cdot 3 + 0,49 \cdot 2 + 0,19 \cdot 1 = 0,96 + 0,98 + 0,19 = 2,13$$

$$\bar{Y}\% = \frac{2,13}{3} \cdot 100\% = 71\%$$

Талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар, рақамли технологиялардан фойдаланиш натижалари тадқиқот якунида ошганлиги, ижодий фаолиятнинг юқорилигини кўрсатади.



3.3-расм. Тажриба гуруҳи талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражаси (тажриба боши ва якунида)

3.3-расмда ифодаланганидек, талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражаси тадқиқот якунида тажриба гуруҳларида ошганлиги, ижодий фаолиятнинг юқорилигини кўрсатади. Бу ерда, модельнинг самаралиги, аниқланган педагогик шарт-шароитларнинг сифат даражаси юқорилиги, тўлиқ амалга оширилганлигини кузатиш мумкин.

Талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражасини аниқлаш бўйича якуний назорат учун χ^2 мезонини қўллаш натижалари 3.3-жадвалда келтирилган.

3.3-жадвал

Якуний назоратда статистиканинг қиймати

Солиштири ладиган	Олинган	Аҳамиятлилик даражаси учун жадвал		
		0,01	0,03	0,05
Тажриба	2,25	9,21	7,01	5,99
Назорат	7,16			
Тажриба	25,44			
Назорат	1,62			
Тажриба	16,06			
Назорат	9,22			

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Тадқиқот натижалари талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

Жадвалларда ифодаланганидек, талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив нутқини ривожлантириш таҳлили тажриба гуруҳи синалувчиларининг бу борадаги лаёқатлари юқори даражада эканлигини кўрсатади. Масалан, 84% талабалар тил кўрсаткичлари бўйича компетенцияларга эгаллиги; 89% матнни таҳрирлаш, яъни ўқув материалларини тинглаб тушуниш, уларни таҳрирлашни намоён этдилар.

Тажриба-тадқиқот ишларида қатнашган респондентларнинг 89% онлайн тестлардан автоматик равишда натижаларни олиш, таълим таркибини нафақат компьютерлардан, балки мобил қурилмалардан ҳам кўриш, ўз-ўзини рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказилиши, маълумотлар базаси билан синхронизация таъминланишига эришиш малакаларини кўрсата олдилар.

Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар ишончилигига амин бўлиш мақсадида биз ишга таржимон мутахассислар, факультет раҳбарлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийларидан иборат экспертлар гуруҳини жалб қилдик.

Талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш кўрсаткичлари ва мезонларини асослаш, шунингдек, нисбатан самарали методлар асосида аниқлаш имконини берадиган ташхис аппаратини ишлаб чиқдик ва тақдим этдик.

Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари дастурида асосий мезон сифатида талабаларда ахборот-

коммуникацион воситалар ёрдамида аудитив нутқ компетентлиги даражасидаги 4 та мунтазам ҳаракатидан фойдаланилди (3.3-жадвал)

3.4-жадвал

Талабаларда ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқати ривожланганлигини кўрсатувчи мезонлар

Етарли бўлмаган даража	Талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқати ривожланганлигини кўрсатувчи мезонлар: Олдин ўрганган усулларида фойдаланишади, фақат намуна асосида ишлайди, ижодий ишларни бажаришнинг имкони бўлмайди. Рақамли форматда ишлаш жараёнларида иштирок этмасликка уринишади, рақамли технологиялар ва улардан фойдаланиш усуллари яхши билмайди; рақамли форматда фаоллик кўрсатишдан ўзларини тортишади. Рақамли форматда
Вазиятли даража	Талабалар томонидан рақамли технологиялар мазмуни ва моҳиятини хусусиятларини англаб етадилар. Уларда ахборот муҳитда ишлаш билан боғлиқ айрим кўникмалари шаклланган, лекин малакалар ҳосил қилинмаган. Рақамли форматда ижодий топшириқларни уддалайди, аммо чуқур билимга эга эмаслик ва малакаларнинг шаклланмаганлиги уларга ўз фантазиялари кенг ва фаол фойдаланиш имкониятларини бермайди. Рақамли технологиялардан унумли фойдалан олмайди.

Касбий- етарли даража	Рақамли технологиялар билан боғлиқ малакалари даражаси онглилик, танқидийлик, мажмуавийлик, самаралилик, мустақиллиги билан характерланади, ўз фаолиятида ахборот муҳитида мавжуд кўникмалардан бемалол фойдалана олади. Таълим жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш, қизиқиш ва эҳтиёжларини намоён қилишади.
Ижодий даража	Рақамли технологиялар билан боғлиқ малакалари даражаси мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини англаб етадилар, оптимал рақамли форматдан фаол фойдаланишади, юқори ижодий фаоллик кўрсатишади, ахборот муҳитида мустақил ва самарали ишлай оладилар. Аудитив нутқи яхши ривожланган. Рақамли технологиялар билан боғлиқ малакаларидан самарали ҳамкорлик йўлида фойдалана оладилар, олинган ахборотларни тўғри баҳолашади.

Жадвалда ифодаланганидек, талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатининг ривожланганлигини кўрсатувчи мезонлар тажриба-тадқиқот ишларимизнинг босқичлари учун замин ҳозирлади. Шунингдек, талабаларда рақамли технологиялар билан боғлиқ малакаларни ривожлантириш, ўқув материалига нисбатан онглилик, танқидийлик билан ёндашишга ҳамда соҳасига оид билим, кўникма ва малакаларини ишонч билан қўллай олишга хизмат қилди. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида таълим жараёнида талабалар ахборот таълимий ресурсларидан фойдаланиш малакаларини орттирдилар.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив

лаёқатини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёнига инновацион педагогик ва рақамли технологияларни жорий этиш орқали унинг юқори самарадорлигига эришишни назарда тутди.

Тадқиқот даврида кредит модуль тизимида ўқитилишини ташкил этиш таълим субъектларининг инглиз тилини ўрганиш малакалари, касбий тавсифловчи сифатлари ўртасидаги корреляцион боғланишларни кўрсатиш имконини берди. Ўқитиш сифатини оширишни ташкил қилишга мўлжалланган ушбу технология автоном тизимда “таҳсил олувчи-фаолият объекти” каби аниқ кетма-кетликни ташкил этувчи хатти-ҳаракатни ташкил қилди.

Тажриба-тадқиқотда талабаларнинг ахборот таълимий ресурслар воситасида касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш фақат талабаларнинг билим даражасинигина эмас, балки билимларни тушуниш, уларни қўллашга йўналтирилган тест топшириқларидан кенгрок фойдаланиш ишларини ташкил этди. Ундан ташқари ижодий, мантикий, муаммоли топшириқлар орқали уларнинг билим, кўникма, малака эгаллаш жараёнларини ташхислашга замин яратилди.

Шундай қилиб, тавсия этилаётган технология таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижаларини сарҳисоб қилишга замин яратди.

УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1.Фан-техника тараққиёти, рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаёт ва шахснинг кундалик турмуш тарзига таъсири инобатга олинган ҳолда талабаларда таянч ҳамда инглиз тили бўйича оид компетенцияларни ўстириш муаммоси инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шакллари такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Мазкур зарурат талабаларда касбий аудитив лаёқатини мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив босқичларда талабаларнинг ўстиришга мўлжалланган структуравий-функционал моделини такомиллаштиришга асос бўлди

2.Талабаларда Давлат таълим стандартлари билан меъёрланган билимларни шакллантириш, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш баробарида уларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш муаммоси таълим-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни жорий этишни тақоза этди, мазкур жараён фанга оид компетенцияларнинг функционал компонентларини аниқлаш, методик ва дидактик таъминотини такомиллаштириш заруратини вужудга келтирди.

3.Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш моделини татбиқ қилишдаги тўсик бўлувчи омиллар таҳлил қилинганда, куйидагилар аниқланди: а) янгиликни жорий қилиш бўйича хатти-ҳаракатларнинг сустлиги, янгича услубда ўқитиш муҳитини ташкил қилишдаги сансалорликлар; ўқитиш муҳитида таълим бериш шакллариининг эскирганлиги, хусусан унинг барча мавжуд педагогик шарт-шароитлари, таълим жараёнини бошқариш, уни ташкил қилиш, унинг ахборот-коммуникацион жиҳозланишини таъминлаш кабиларнинг ҳаммаси янги мазмунда қайта қурилмаётганлиги; б) инглиз тили ўқитувчиларининг АКТ бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг аксиологик-мотивацион, концептуал, технологик, рефлексив ва креатив даражалари, уларни ривожлантириш мазмуни ва устувор йўналишларини белгилашга эътибор сустлиги;

в) муаллифлик технологияларини жорий қилишдаги сусткашлик, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришда ўқитувчи профисиограммасига оид кўрсатмалар, ўзини ўзи баҳолаш, таҳлил қилиш, рефлексия, касбий ва ижтимоий ўсиш, касбий маҳоратини такомиллаштириш усуллари, коммуникатив кўникмаларни ташхислаш имконининг талаб даражасида эмаслиги.

4. Тадқиқот даврида (2017-2020йй) талабаларни келгусидаги касбий фаолиятига тайёрлаш сифатини оширишга мўлжалланган соҳага оид ўқув режалари ва ўқув дастурлари мониторинги (педагогик жараёнга инновацион педагогик технологияларни жорий этиш бўйича барча қабул қилинган давлат ҳужжатлари ва қонунларнинг бажарилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорларининг ижроси, таълим мазмуни, ўқув блокларининг мутаносиб танланганлиги, назарий ва амалий билимларнинг мувофиқ берилаётганлиги, йўналишда инновацион мазмуннинг акс этиши, ўқитувчи ва мутахассисларнинг педагогик талабга жавоб бериши, уларнинг АКТ бўйича компетентлиги юзасидан таҳлил олиб борилди

5. Инглиз тили машғулотларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида ўқитиш шакллари: муаммоли дарс, вебинар семинар, ўқув баҳси, тажриба ва кузатиш, гуруҳли ва индивидуал мустақил ишларни қўллаш, талабаларда касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш асосида қўшимча адабиётлардан зарур маълумотларни ўзлаштириш ва мақсадли касбга йўналтириш, таълим самарадорлигини орттириш имконини берадиган «Инглиз тилини ўрганишда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш учун мустақил ўқув-иш конспекти (1-курс, 2-курс)» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди ва педагогик жараёнга тадбиқ этилди .

6. Таълимий этилган методика асосида тажриба гуруҳи тингловчилари видео ва матнли форматда ўрганилаётган муаммо бўйича асосий фикр-мулоҳаза ва фактларни аудиовизуал тақдим қила олиш малакасининг ривожланганлиги 12 (%) фоиз ошганлиги аён бўлди (видеоролик, буклет,

постер ва бошқаларни тайёрлашда нутқ элементларининг юқори даражада аудитивлигини намоён этиш). Шунингдек, тажрибада қатнашган талабаларда ўқитиш ва интерактивлик тамойилларини педагогик фаолиятда қўллаш кўрсаткичи ўрганилганда, тавсия этилган технологиялар асосида уларда ўрганилаётган муаммо бўйича асосий фикр-мулоҳаза ва фактларни методик тақдим қила олиш лаёқатининг ривожланганлиги намоён бўлди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантиришда ахборот таълимий ресурслардан фойдаланиш технологияси (инглиз тилини ўқитиш мисолида)” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Мамлакатимиз таълим тизимидаги сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида олий таълим тизимида ривожланиш самарадорлигини оширувчи таълим амалиётига интерактив дастурий воситалар, инновацион методлар, стриминг технологияларидан фойдаланиш усуллари татбиқ қилинмоқда. Мазкур модернизациялаш жараёни талабаларни келгусидаги касбий фаолиятига тайёрлаш сифатини ошириш, табиий-илмий дунёқарашини ривожлантириш, лингвистик тил ўзлаштириш лаёқатини кенгайтиришга хизмат қилади. Рақамли технологиялар шароитида талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ахборот таълимий ресурслар воситасида ривожлантириш долзарб ижтимоий-педагогик масалалар сирасига киради.

2. Мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар малакасини оширишга мўлжалланган инновацион педагогик технологияларни қўллаш борасида олиб борилаётган ўқув, маънавий-маърифий, ижтимоий, тарбиявий ва илмий-тадқиқот фаолияти талабаларни келгусидаги касбий фаолиятига тайёрлаш сифатини оширишга имконият беради.

3. Ўзбекистон таълим тизимида татбиқ этилаётган халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида инглиз тилини ўқитиш бўйича электрон топшириқлар тизими (репродуктив, алгоритмик, қисман изланишли, креатив)ни ўзида мужассамлаштирган, касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш методик таъминоти таълим самарадорлигини ошириш ҳамда объектив натижалар олишга замин яратади.

4. Дидактик ўқув мақсадлари таксономияларига асосланган иерархик топшириқлар технологиясини таълим жараёнига татбиқ этиш орқали

